

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.Fil.91.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРИПОВ ФАЗЛИДДИН ГАЛИЕВИЧ

**ЎЗБЕК ЗАМОНАВИЙ МОРФОЛОГИК НАЗАРИЯСИНING
ШАКЛЛАНИШИ, ТАРАҚҚИЁТ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулистон – 2022

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора наук (DSc) по филологическим
наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Science (DSc) on Philological
Sciences**

Шарипов Фазлиддин Галиевич

Ўзбек замонавий морфологик назариясининг шаклланиши, тараққиёт
тенденциялари ва истиқболлари.....3

Шарипов Фазлиддин Галиевич

Становление, тенденции развития и перспективы узбекской современной
морфологической теории33

Шарипов Фазлиддин Галиевич

Formation, development tendencies and perspectives of Uzbek modern theory of
morphology61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....66

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.Fil.91.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРИПОВ ФАЗЛИДДИН ГАЛИЕВИЧ

**ЎЗБЕК ЗАМОНАВИЙ МОРФОЛОГИК НАЗАРИЯСИНING
ШАКЛЛАНИШИ, ТАРАҚҚИЁТ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулистон – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.DSc/Fil151 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Гулистон давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Гулистон давлат университетининг веб-саҳифаси (www.guldu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталининг www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ғожиёв Ёрмат

филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Менглиев Бахтиёр Ражабович

филология фанлари доктори, профессор

Искандарова Шарифа Мадалиевна

филология фанлари доктори, профессор

Ўразбоев Абдулла Дурдибаевич

филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация химояси Гулистон давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.Fil.91.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил «31» 03 кунини соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 120100, Гулистон ш., 4-мавзе, Тел.: (67) 225-42-75; факс: (67) 225-40-42; e-mail: glsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Гулистон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (6 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 120100, Гулистон ш., 4-мавзе. Тел.: (67) 225-42-75).

Диссертация автореферати 2022 йил «19» 03 кунини тарқатилди.

(2022 йил «19» 03 даги 6 - рақамли реестр баённомаси)



Н.Раҳмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор

М.Р.Маматқулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари номзоди, доцент

А.Э.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида лисоний имкониятлардан амалий фойдаланиш самарадорлиги муаммолари билан шуғулланаётган тилшунослик соҳалари жадал ривожланмоқда. Асримиз бошида шаклланиб, ҳозирги кунда тезкор тараққиёт босқичида бўлган систем-структур тилшуносликнинг амалий морфология соҳаси бунинг ёрқин исботидир. Зотан, тилларнинг типологик ўзига хосликлари кўпроқ унинг морфологик имкониятлари ва хусусиятларида намоён бўлади. Бу бугунги кун талаби билан юзага келган агглютинатив тиллар бўйича морфологик шакллар луғатларининг электрон базаларини яратиш тобора кўпайиб, қамров доираси кенгайиб бораётганида ўз ифодасини топган ва сунъий интеллект тилини яратишнинг асосини ташкил этади. Ривожланган тилларнинг морфологик луғатлари асосида яратилаётган электрон базаларнинг қамрови ва кўлами мазкур моделларнинг ишга тушиш жараёнида қанчалар зарурлиги яққол кўзга ташланмоқда. Бундан ташқари, замонавий морфологиядаги лисон ва нутқнинг аниқ, изчил фарқланаётганлиги, умумий, оралик, хусусий, ёндош, ҳамроҳ грамматик маъно-гушунчаларнинг ўрнашганлиги, янги категориялар очилаётганлиги, грамматик шаклларда категориал ва нокатегориал жиҳатлар янгича талқин қилинаётганлиги илмий асосланган ҳолда ўрганилмоқда. Умуман олганда, XXI аср амалий тилшунослиги тадқиқотлари сирасида морфологик базалар салмоқли ўрин эгаллаб бораётир. Бу борадаги ишларни янада авж олдириш, уларга барқарор тараққиёт тусини бериш, мақсадга мувофиқ давом эттириш ўзбек замонавий морфологик назариясининг шаклланиши, тараққиёт тенденциялари ва истиқболларини белгилашни тақозо қилади.

Дунё тилшунослигида XXI асрга келиб тилнинг барча жабҳалари, жумладан, морфологияни ўрганиш борасида бир қанча сезиларли назарий ўзгаришлар амалга оширилгани кўзга ташланади. Хусусан, морфологик тадқиқотларда анъанавий фактографик ёндашувлардан структур тадқиқотларга ўтилганлиги, назарий морфологиянинг лисон ва нутқ фарқланиши асосида, морфологик лисоний система ва муносабатларнинг шу чокқача кузатилмаган қирралари очилаётганлиги, инвариант ва вариант, маъно ва шаклларнинг морфологик категориялар мисолида изчил ажратилиши, умумий грамматик маъно ва хусусий грамматик маънолар талқинининг турли тилшунослик оқимларида муштараклик касб этиб бораётганлиги, тил морфологик имманент имкониятларининг нутқий вокеланиши ва унда барқарор (статик) ҳамда ўзгарувчан (динамик) ҳолатларнинг белгиланиши, шунингдек, бундай ҳолатлар сабабларининг аниқланаётганлиги юқорида зикр этилган амалий қўлланишга кириб келаётган морфологик базаларни шакллантиришда ишончли назарий асос вазифасини ўтамоқда.

Ўзбек тилшунослигида XXI аср биринчи чорагидаги энг муҳим ютуқ морфологик шакллар луғатларининг яратилаётганлигидир. Зотан, барча сўз туркумлари, сўзларнинг диалектал вариантлари, услубий кўринишлари

бўйича морфологик шакллар луғатининг яратилиши натижасидагина ҳозирги давр учун жуда муҳим бўлган ўзбек тилини сунъий интеллект учун моделлаштириш имконияти вужудга келади. Бу бир неча босқичдан иборат бўлиб, дастлаб морфологик қонуниятлар очилади, бу қонуниятлар асосида морфологияда умумий ва хусусий жиҳатлар фарқланади. Лисон ва нутқ дихотомиясига асосланган морфологик шакллар луғати юзага келади. Бу эса, пировардида, морфологик анализаторларнинг вужудга келишига замин тайёрлайди. Шундай қилиб, XX аср охири ва XXI аср бошига келиб, худди XIX аср охири XX бошида бўлганидек, барча жабҳалар қатори тилшуносликда ҳам янгича қадамлар ташланди, янгича ёндашув, янгича морфологик асосли замонавий тилшунослик йўналишлари юзага келди. Бу босқичда дастлаб тилшунослик объектларига янгича ёндашув субстанциал йўналишда боришини тақозо этди. Бу таҳлилнинг бош тамойили асосида тилимиз қурилишини ёритишда лисоний birlikларга умумийлик, моҳият, имконият, сабаб (УМИС) ва уларнинг воқеланиши натижасида ҳосил бўлган нутқий birlikларга алоҳидалик (яккалик), ҳодиса, воқелик, оқибат (АХВО) сифатида муносабатда бўлиш кераклиги янада ойдинлашди. Зотан, бу диалектика қонунларининг тилдаги тажаллисидир. Шу йўналишда яратилган тадқиқот натижалари бугунги кунда ижтимоий соҳалар ва ахборот-коммуникация тизимида кучли эҳтиёжга айланаётган ўзбек тили морфологик анализаторини яратиш зарурати кун тартибига қўйилган ҳозирги пайтда ўзбек тили морфологик таълимотини назарий, амалий ютуқларини сарҳисоб қилиш, таснифлаш ҳамда морфологик анализатор учун зарур назарий тилшунослик базасини шакллантириш долзарб вазифа бўлиб турибди. Демак, юзага келган лингвистик вазиятнинг ўзи ушбу диссертация ишини амалга оширишни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4997-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ 2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация илмий натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ҳамда инновацион ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Замоनावий морфологик назариясининг шаклланиши, тараққиёт тенденциялари ва истиқболлари бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ҳамда олий таълим муассасаларида, хусусан, London University, Göttingen Universität, Berlin Universität, Humboldt Universität, Goethe Universität (Германия), İstanbul Üniversitesi, Hacettepe Üniversitesi, Yıldız Teknik Üniversitesi, Gaziantep Üniversitesi (Туркия), Azərbaycan Milli Elmlər Akademiyası Dilçilik Institutu (Озарбайжон), шунингдек, Ўзбекистон Фанлар Академияси ҳузуридаги «Тил ва адабиёт, фольклоршунослик» илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон Миллий университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Гулистон давлат университети ва бошқа университетларнинг тилшунослик кафедраларида ҳам морфологиянинг долзарб муаммоларига оид тадқиқотлар олиб борилган ҳамда давом этмоқда.²

Жаҳон тилшунослиги ва унинг бир тармоғи бўлган ўзбек тилшунослигида замоनावий морфологиянинг шаклланиши бўйича олиб борилган илмий тадқиқотларда қуйидаги илмий натижалар олинган: замоनावий морфологиянинг шаклланиши, манбалари ва методологик асослари очиб берилган (Columbia University, University of California, АҚШ), ўзбек илмий тилшунослигига Европа морфологик талқинларининг кириб келиши, ўзбек илмий тилшунослигининг шаклланишида анъанавий морфологик қарашларнинг ўрни ёритилган (İstanbul Üniversitesi, Hacettepe Üniversitesi, Yıldız Teknik Üniversitesi, Gaziantep Üniversitesi (Туркия), ўзбек замоनावий морфологиясининг бир қатор муҳим жиҳатлари, жумладан, сўз туркумлари таснифи, грамматик категориялар талқини, сўз ясалиши муаммолари талқини ва унинг стандартлашуви масалалари доирасида асослаб берилган (Indiana University, АҚШ), ўзбек тилининг систем-структур босқичга ўтишида жаҳон тилшунослигидаги лисон ва нутқнинг фарқланиши, тилга система сифатида ёндашиш, сўзларнинг морфологик гуруҳ ва категориялари таснифи, сўз ясалиши каби масалаларни ўрганиш асосида очиб берилган (Berlin University, Германия), ўзбек замоनावий морфологиясининг янги амалий босқичга ўтишида, жумладан, компьютер ва

¹ <https://orcid.org>; www.hu-berlin.de; www.wisc.edu; www.cambridge-centralasia.org.

² Намроева Ш.М., Холийоров О.М., Абдуалимова Г.Н. О‘zbek tilining fe’l shakllari lug‘ati (“kiymoq” fe’li misolida): lug‘at. – Termiz: Termiz davlat universiteti nashr-matbaa, 2021. – 492 b.; Хамроева Ш. Ўзбек тили морфологик анализаторининг лингвистик таъминоти. – Тошкент: GlobeEdit, 2020. – Б.50.

корпус лингвистикаси талаблари асосида сўз туркумлари ва грамматик категорияларни тавсифлаш, морфологик луғатлар яратиш, корпус лингвистикасида морфологик анализатор ва морфологик теглаш каби масалалар жуда муҳим эканлиги асослаб берилган (Tokio University, Япония), ўзбек замонавий морфологиясининг шаклланиши, тараққиёти ва истиқболи ўзбек тили материаллари қамровида асосланган (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбекистон).

Бугунги кунда жаҳон тилшунослигида илмий морфологияни ўрганишга оид муаммолар тадқиқи доирасида, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: лисон ва нутқни аниқ, изчил фарқлаш; умумий, оралик, хусусий, ёндош ва ҳамроҳ грамматик маъно тушунчаларини асослаш; янги категориялар (қарашлилиқ, ўзгаловчи ва ҳаракат тарзи) очиқ берилганига баҳо бериш, грамматик шаклларда категориал ва нокатегориал жиҳатлар янгича асосда ўрганилганлиги; сўз ясаши ва деривациянинг фарқли жиҳатлари, ясама сўз, ясалган сўз, сўз яшаш қолипи ва ҳосиласи тушунчаларини фарқлаш; замонавий ахборот технологияларининг функционал имкониятларидан фойдаланган ҳолда тил бирликларининг маъновий-грамматик хусусиятларини аниқлашга қаратилган кидирув дастурига бўйсундирилган матнлар жамланмаси – тил корпусларини яратишни ўзбек тилшунослигининг энг долзарб масаласи сифатида талқин қилиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек тилшунослигининг морфология бўлими бўйича юзлаб тилшунослар илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар. XX асрнинг 40-50-йилларида А.Ғуломов, В.Решетов, М.Асқарова, Ғ.Абдурахмонов, Ф.Абдуллаев, С.Усмонов, Ш.Раҳматуллаев каби таниқли тилшунослар ва улар қаторида академик А.Қононовдек йирик олим ҳам фаолият кўрсатган. Шунингдек, О.Усмонов, З.Маъруфов, Р.Жуманиёзов, Х.Қомилова, Ф.Қамолов, М.Қирзаев, А.Маъруфов, С.Қердаус, Т.Ибрагимов, С.Иброҳимов, С.Қузаилов, Ф.Убаева, О.Қадраҳимов, Н.Қаматов, И.Қасулов каби яна ўнлаб тилшунослар ўз илмий фаолиятларида ўзбек илмий морфологиясида грамматик категориялар талқинига доир фикрларни долзарб масала сифатида талқин қилганлар.

А.Абдуазизов, Л.Абдуллаева, Ҳ.Абдурахмонов, Р.Қўнғуров, И.Қўчқортоев, А.Қаҳмудов, А.Қафаев, Б.Ўринбоев, М.Қиртожиев каби ўрта авлод вакиллари билан бир қаторда, истиқлол арафасида фундаментал тадқиқотларини ҳимоя қилган Н.Қаҳмудов, Э.Бегматов, Ф.Убаева, М.П.Агламова, А.Бердалиев, М.Қукаррамов, А.Нурмонов, Ё.Тожиев, Р.Қайфуллаева, М.Жўрабоева, Т.Қирзақулов, С.Қаримов каби яна кўплаб таниқли тилшуносларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилининг энг мураккаб ва долзарб муаммоларига бағишланган тадқиқотлари 40-80-йиллар ўзбек тилшунослигининг келажagini белгилаб беришга хизмат қилди.

Ўзбек тилшунослигининг 90-йилларидан кейинги даврдаги ютуқларини олдинги йилларнинг ҳосиласи сифатида, унинг узвий давоми ҳам шаклланиб бўлган босқичи десак, муболаға бўлмаса керак. Тилшунослигимизнинг

бундай даражага эришишида, истиқлол даври ўзбек тилшунослиги тараққиётига муносиб ҳисса қўшган бир қанча олимларимизнинг меҳнатларини тилга олмаслик мумкин эмас. Масалан, академиклар М.Асқарова, И.Қўчқортоев, Ғ.Абдурахмонов, А.Ҳожиёв, Э.Фозилов, профессорлар: А.Нурмонов, Ё.Тожиёв, Ҳ.Неъматов, Э.Бегматов, Э.Умаров, Қ.Маҳмудов, М.Миртожиёв, А.Бердалиёв, Н.Маҳмудов, Р.Расулов, Р.Сайфуллаева, С.Каримов, Б.Ўринбоев, У.Санақулов, А.Абдуазизов, Қ.Содиқов, Т.Мирзақулов, З.Дўсимов, А.Маматов, О.Бозоров, Ш.Искандарова, С.Аширбоев, М.Қурбонова, Қ.Самадов, Б.Тўйчибоев, Р.Қўнғуров, Б.Менглиёв, Б.Баҳриддинова каби ўнлаб тилшуносларнинг таърифлари 90-йиллар тилшунослиги тараққиётини белгилашда ўз ўрнига эга. Хусусан, ўша давр тилшунослигининг энг долзарб масалаларини тадқиқ этишда илмий фикрнинг кенглиги, тадқиқотларининг замонавий салмоғи ва яна бошқа жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда Ш.Раҳматуллаев, Ғ.Абдурахмонов, А.Ҳожиёв, Ҳ.Неъматов, М.Миртожиёв, Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, Э.Фозилов, Б.Ўринбоев, Ё.Тожиёв, М.Жўрабоева, С.Каримов, Р.Сайфуллаева, Ф.Убаева, Қ.Содиқов, Ҳ.Дадабоев, Б.Менглиёв каби олимлар фаолиятини алоҳида таъкидлаш зарур. Уларнинг илмий асарлари ўзбек морфологиясининг тараққиёт тенденцияларини белгилашда нисбатан муҳим рол ўйнагани бор ҳақиқатдир.

Шунингдек, диссертацияда ўзбек субстанциал тилшунослиги асосчилари А.Фитрат, А.Ғуломов, етук намояндалари С.Усмонов, Ф.Абдуллаев, Ғ.Абдурахмонов, М.Асқарова, О.Азизов, А.Боровков, А.Ҳожиёв, С.Иброҳимов, Ф.Камолов, А.Кононов, М.Мирзаев, А.Мухторов, И.Расулов, В.Решетов, А.Рустамов, У.Турсунов, Х.Холиёров, Р.Қўнғуров, Ш.Шоабдурахмонов каби олимларнинг илмий асарлари, дарслик ва қўлланмаларига таянилди¹.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Гулистон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 28 «Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек илмий морфологиясининг тараққиёт босқичлари, грамматик категориялар, сўз ясалиши ҳамда ўзбек замонавий морфологиясининг янги амалий босқичи масалаларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек замонавий морфологиясининг шаклланиши, методологик асосларини белгилаш учун илк лингвистик давр манбалари ва дастлабки анъанавий морфологик қарашларни таҳлил қилиш;

ўзбек тилшунослиги тараққиёти, хусусан, морфология ривожига

¹ Шукуров Ш., Базарова Д. Узбекское советское языкознание. – Ташкент: Фан, 1988. – С. 232; Узоқов Ҳ. Ўзбек тилшунослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1972, – Б. 268; Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 232 б.

муносиб ҳисса қўшган олимларнинг илмий тадқиқотлари асосида грамматик категория ва сўз туркумлари таснифининг такомиллашишини аниқлаш, Европа, рус ва қардош тиллар тилшунослиги билан қиёсий таҳлил қилиш, тараққиёт тенденцияларини ўрганиш, истиқболли йўналишларини белгилаш, сўз туркумлари таснифларига ойдинлик киритиш;

тилшуносликдаги тилга система сифатида илмий ёндашувларни тадқиқ қилиш ва фарқлаш ҳамда систем-структур босқичда лисон ва нутқнинг фарқланиши каби ҳодисаларнинг ўзбек тилшунослигига таъсирини белгилаш;

ўзбек тилшунослигида сўз ясалиши муаммолари талқини бўйича яратилган илмий асарларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, ўзбек тилшунослигида сўз ясалишининг қайси сатҳларга алоқадорлиги, бугунги кундаги мавқеи масаласига муносабат билдириш;

ўзбек замонавий морфологиясининг янги – амалий босқичида компьютер ва корпус лингвистикаси талабларига кўра сўзларнинг морфологик гуруҳлари ва категорияларининг янгича талқинини асосли ёритиш;

морфологик луғатларнинг яратилишида ўзбек назарий морфологиясининг тараққиёт омили сифатида юзага келишини асослаб бериш;

ўзбек тилшунослигида морфологик анализаторнинг яратилиши, морфологик теглаш вазифалари ва уларнинг методологик асосларини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объектини Европа, рус ва қардош тиллар тилшуносларининг морфологик назариялари ҳамда ўзбек тилининг морфологик тизимига доир асосий илмий қарашлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек тилшунослигида систем-структур босқичда ва унганча бўлган даврда амалга оширилган ҳамда ошириляётган илмий тадқиқот ишлари, уларнинг ўзбек илмий морфологияси тараққиётига қўшган ҳиссаларини тадқиқ қилиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тавсифлаш, таснифлаш, функционал-семантик, қиёсий-тарихий, тарихий-генетик ҳамда статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилшунослигининг ўрта асрларда шаклланиб, аввало, ҳинд, сўнгра араб ва форс тиллари грамматикалари таъсирида тараққий этганлиги, ўзбек назарий морфологиясининг илдизлари ҳам шу даврда яратилган луғатларда мужассамлашганлиги ҳамда унинг XX асрнинг 40-50 йилларида рус тилшунослиги таъсири ва андозавийлиги асосида мустақил тизимли таълимот даражасига кўтарилганлиги асосланган;

ўзбек тилшунослигига систем-структур методнинг кириб келиши билан морфологик категориялар ва шакллар сирасида миллий тилимизнинг агглютинатив хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда морфологияда ўзгаришлар қилинганлиги, лисон ва нутқнинг аниқ, изчил фарқланганлиги,

умумий, оралик, хусусий, ёндош, ҳамроҳ грамматик маъно-тушунчаларнинг ўрнашганлиги, қарашлилик, ўзгаловчи ва ҳаракат тарзи каби янги категориялар очилганлиги, грамматик шаклларда категориал ва нокатегориал жиҳатлар янги асосда фарқланганлиги аниқланган;

янги сўзлар шаклланишида сўз ясаши ва деривациянинг фарқланиши сабаб, ясама сўз ва ясалган сўз, сўз яшаш қолипи ва ҳосиласи тушунчаларида янги қараш юзага келганлиги ва оммалашгани, сўз ясашининг оний ҳодиса эканлигига эътибор қаратилиб, шу маънода эволюция натижаси бўлган қўшма сўзларнинг ясалма эканлиги ҳақидаги фикрларда архаиклашув жараёни кетаётганлиги, бу ўзгаришларнинг морфология учун ҳам муҳим қараш эканлиги исботланган;

ўзбек тилининг миллий корпусини яратиш, таржима дастурларини ишлаб чиқиш, морфологик анализаторни яратиш, морфологик-автоматик анализатор дастурини тузиш морфологик луғатларсиз амалга ошмаслиги, морфологик шакллар луғати яратилишига олиб келган синтетик-формал-структур-аналитик шакллар узлуксиз занжир эканлиги асосланган;

ўзбек тили грамматик категориялари ҳамда сўз туркумлари тизимидаги айрим ўзига хос отларга хос қарашлилик-тегишлилик – поссессивлик категорияси мавжудлиги масаласи, ўзбек тили келишиклар тизими масаласи, уларнинг сони муаммосини ҳал қилиш, юклама ва модал сўзлар муносабатига аниқлик киритиш каби ҳолатлар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилшунослигида морфологик категориялар ва шакллар сирасида миллий тилимизнинг агглютинатив хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда жиддий ўзгаришлар қилинганлиги, лисон ва нутқ масаласи, умумий, оралик, хусусий, ёндош, ҳамроҳ грамматик маъно тушунчалари очиқ берилган;

ўзбек илмий морфологиясидаги янги категориялар, грамматик шакллардаги категориал ва нокатегориал жиҳатлар, сўз, сўзшакл, сўзшакл ва грамматик шакл, сўзшакл ва синтактик шакл, грамматик вазифа ва синтактик вазифа муносабатлари далилланган;

ўзбек тилининг миллий корпусини яратиш учун таржима дастурлари, морфологик анализатор, морфологик шакллар луғатини яратиш борасидаги қарашлар асосланган;

ўзбек тилининг миллий корпусини яратиш учун таржима дастурларини ишлаб чиқиш, морфологик анализаторни яратиш морфологик луғатларсиз амалга ошмаслиги исботланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унинг аниқ лингвистик таҳлил методологияси негизида шакллантирилгани, бирламчи илмий манбаларга таянилгани, ишончли ва самарали тавсифлаш, таснифлаш, қиёсий-тарихий ҳамда статистик таҳлил усулларидан фойдаланилгани, назарий фикр ва хулосаларнинг илмий-далилий қиёслардан келиб чиқиб амалиётга тадбиқ этилганлиги, натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлаб берилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот

натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек замонавий морфологиясининг шаклланиши, тараққиёт тенденциялари ва истиқболлари билан боғлиқ манбалар, методологик асосларини бойитиши, ўзбек тилининг морфологик қурилиши, унга оид илмий асарларни ўрганишда, сифат ҳамда самарадорлигини оширувчи муҳим манба бўлиб хизмат қилиши, тилшунос олимларнинг ўзбек тилшунослигининг ривожига қўшган ҳиссаларини аниқлаш учун ишончли назарий асос эканлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертациядаги хулоса ва тавсиялардан олий таълим муассасалари «Ҳозирги ўзбек адабий тили», «Ўзбек тили», «Тилшунослик назарияси», «Компьютер лингвистикаси» «Прагматингвистика асослари» каби дарслик ва қўлланмалар яратишда, маъруза ва семинар машғулотлари мазмунини бойитишда, битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари ёзишда, маънавий кадриятларимизнинг ўрни ҳақида маърузалар ўқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек замонавий морфологик назариясининг шаклланиши, тараққиёт тенденциялари ва истиқболлари мавзусини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

ўзбек тилшунослигининг шаклланиши, тараққиёт босқичлари, ҳар бир босқич, йўналиш асосчилари ва давомчилари, етакчи олимларнинг фундаментал илмий қарашлари, шунингдек, мунозарали ҳамда бир-бирини инкор этувчи жиҳатлари, ўзбек тилшунослигининг синтезлашган (универсал-интеграцион) тасниф методи асосида ривожланишининг зиддиятли ва ўзига хос хусусиятларининг аниқланиши, ўзбек тили морфологиясининг систем-структур босқичини чуқурроқ ўрганиш алоҳида ўрин тутиши, кейинги босқич – ўзбек замонавий морфологиясининг янги амалий босқичига ўтиш зарурати каби масалаларга оид диссертация натижалари ва илмий хулосаларидан 2018–2020-йилларда бажарилган BV-Atex-2018 (143) рақамли «Кўзи ожиз шахслар учун компьютер техникасидан фойдаланиш, матнларни ўқиш ва ёзиш имконини берувчи ўзбек тилига асосланган гапирувчи дастурий таъминот ва овозли синтезаторини ишлаб чиқиш» амалий грант лойиҳаси асосида «UzNutq Sinteztor» номли компьютер дастури (Тошкент, 2020) маълумотлар базасини тайёрлашда фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 15 сентябрдаги 04/1-1570-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек тили қурилишига синхрон-формал, систем-структур, субстанусиал тасниф усулларини синтезлаштирган ҳолда бугунги кун илмий қарашлари асосида ёндашув, етакчи олимларнинг илмий-назарий қарашлари замонавий тилшунослик тараққиёти учун назарий манбалар бўйича тавсифий маълумотлар кенгайган;

замонавий морфологияда сўз туркумлари таснифининг такомиллашиш жараёнининг лингвистик тадқиқотлар сирасида татбиқ этилиши, грамматик категориялар талқини, сўз ясалиши муаммолари талқини ва унинг стандартлашуви ҳақидаги илмий маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси

Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2015-2017 йилларда бажарилган FA-FI-G003 «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими 2021 йил 29 сентябрдаги 17-01/174-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа материаллари сўз ясалиши, сўз ясалиши қолипи, ясама сўз ва ясалган сўз каби морфология учун ҳам муҳим бўлган янги илмий манба ва маълумотлар билан бойиган;

лексик бирликлар ясалишининг морфологияга алоқадор лингвистик асослари ҳақидаги илмий маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2015-2017 йилларда бажарилган FA-A-G007 «Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида» мавзудаги амалий илмий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими 2021 йил 29 сентябрдаги 17-01/174-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа материаллари мақол ва маталлардаги лексик бирликларнинг ясалиши каби янги илмий манба ва маълумотлар билан бойиган;

лисон ва нутқнинг фарқланиши ҳамда тилга система сифатида ёндашувнинг ўзбек тилшунослигига таъсири, шунингдек, грамматик шакл ясовчилар лисон ва нутқ сатҳида, сўзларнинг морфологик гуруҳлари, категориялари каби илмий-назарий муаммоларни ёритишда 5220100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалаврият таълим йўналиши учун мўлжалланган «Ҳозирги ўзбек тили» дарслигида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 15 сентябрдаги 02-1567-сон маълумотномаси). Натижада ушбу дарсликдаги лисон, нутқ, тил муносабати, тил сатҳлари, тил бирликлари талқинига оид маълумотлар назарий ва амалий жиҳатдан бойиган;

Абдурауф Фитрат, Ғози олим Юнусов, Қаюм Рамазон сингари маърифатпарвар зиёлилар томонидан ўзбек тилшунослигининг морфология бўлимига оид асосли фикрлар билдирилган бўлиб, шартли равишда «илмий ўрганишга киришиш» даври дейилган, ушбу давр бўйича Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O‘zbekiston tarixi» телеканаллида 2021 йилда эфирга узатилган «Taqqimot» ва «Mavzu» кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда самарали фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston tarixi» телеканалининг 2021 йил 1 ноябрдаги 02-40-1702-сон маълумотномаси). Натижада мазкур телекўрсатув учун тайёрланган материаллар илмий фактик жиҳатлари бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуман ва семинарда, жумладан, 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференциясида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси

томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, асосий матн 255 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг тавсифий белгилари баён этилган.

Диссертациянинг «**Ўзбек тилшунослигида замонавий морфология соҳасининг шаклланиши, манбалари ва методологик асослари**» деб номланган биринчи боби уч бўлимдан иборат. «**Ўзбек илмий тилшунослиги шаклланишининг илк даври лингвистик тафаккур тараққиёти кўзгусида**», деб номланган биринчи бўлимда ўз тадқиқотларини араб тили (ва араб ёзуви)да ёзган Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Маҳмуд Кошғарий, кейинроқ, Саккокий, Ёқут Ҳамавий, Абу Ҳайён ал-Андалусий, Жамолиддин Абу Муҳаммад Абдуллох Туркий, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур ҳамда ўрта асрлар луғатчилигига катта ҳисса қўшган Алойи бинни Муҳибий, Толи Имоний, Муҳаммад Ризо, Муҳаммад Яъқуб Чингий, Меҳдихон каби қомусий олимлар туркий тилшуносликнинг, ўзбек тилшунослигининг тамал тошини қўйганлиги тўғрисида сўз боради. Умуман, туркий тилшуносликнинг шаклланиши, манбаларига оид фикрлар хусусида Э.Фозилов, И.Абдуллаев, Х.Жабборов, Ҳ.Ҳасанов ва бошқа олимларнинг алоҳида тадқиқотларида маълум қайдлар мавжудлиги таъкидланган.¹

Ўзбек адабий тили тарихини даврлаштириш бўйича турли хил фикрлар, қарашлар мавжуд.² Баъзилар уни уч даврга бўлиб ўрганишган бўлса, айримлар беш ёки олти даврга ажратиб кўрсатганлар.³ Шу тарзда даврлаштириш М.Тўхтамирзаев, А.Рафиев, Ж.Шабановлар томонидан тузилган қўлланмада ҳам, шунингдек, яна бошқа илмий манбаларда ҳам кузатилади.⁴ Мазкур манбаларда таъкидлаганларидек, ўзбек тили XIII асрларда эски туркий тил негизида алоҳида тил сифатида шаклланган экан, уни ўрганиш билан шуғулланган тилшуносликни ҳам шу даврдан бошлаб ўзбек тилшунослиги, деб аташга ҳақлимиз. Демак, ўзбек илмий тилшунослигининг бошланишини, ҳеч шубҳасиз, Беруний, Ибн Сино, М.Замахшарий, М.Кошғарий, Абу Ҳайён каби йирик қомусий олимларнинг тилшуносликка оид қарашлари билан бошланган дейиш мумкин. Айниқса, муаллифи номаълум бўлган «Ат тухфа» (Ноёб тухфа) асаридаги грамматикага алоқадор қарашлар, таҳлиллар, ўша давр тилини белгилашга оид талқинлар бунга тўла асос бўлади.

¹ Фозилов Э. Шарқнинг машҳур филологлари. – Тошкент: Фан, 1971; Абдуллаев И. Абу Мансур Абдулмалик Ас-Саолибий. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992; Жабборов Х. Буюк тилшунослар. – Тошкент: Насаф, 2003; Ҳасанов Ҳ. Маҳмуд Кошғарий. – Тошкент: Уздавнашр, 1963.

² Мухторов А., Санакулов У. Ўзбек адабий тили тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б.22–23.

³ Ўша асар. – Б.22–23.

⁴ Рафиев А., Шабанов Ж. Ўзбек тилини биласизми? Назарий маълумотлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 2004.

Тилшунослар Б.Ўринбоев ва Т.Қурбоновларнинг «Ўзбек тилшунослиги тарихи» китобида¹ ҳамда А.Нурмоновнинг «Ўзбек тилшунослиги тарихи» номли қўлланмаларда алоҳида сарлавҳа остида «Ат тухфа» асаридаги грамматикага оид масалалар («Ат-тухфату закиятун филлуғотит туркия» – «Туркий тиллар ҳақида ноёб тухфа») қайд этиб ўтилган. Ундаги «грамматика» қисмида қипчоқ тилининг грамматик қурилиши ҳақида анча батафсил маълумот берилган.

Профессор Э.Фозилов ва М.Зияевалар томонидан нашр қилинган «Изысканный дар» китоби ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.² Муаллифлар луғатнинг қипчоқ тилининг грамматикаси бўйича бизгача етиб келган ноёб манба эканлигига алоҳида эътибор қаратган.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, ўзбек тилшунослиги, тахминан, минг йиллик тарихга эга бўлиб, аввало, туркий тилшунослик негизида шакллана бошлаган бўлса, кейинчалик бошқа тилшуносликлар таъсирида ривожланди. XX асрнинг бошларидан мустақил фан сифатида фаолият юритишга киришди. Бунда, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида олиб борилган лингвистик фаолият муҳим ўрин тутди. Бу даврда Исҳоқхон Ибрат, Фитрат каби ўзбек, шунингдек, маҳаллий аҳолини, унинг ҳаёт тарзини ўрганиш эҳтиёжи асосида ўзбек тилини ўрганишни кучайтирган баъзи рус олимлари, жумладан, М.А.Герентьев, Н.Остроумов, В.Наливкин, Н.П.Пантусовлар фаоллик кўрсатганлари кузатилади. Ўзбек тили грамматикасини ўрганиш бўйича илк кузатув ишланмалар Абдурауф Фитрат, Ғози олим Юнусов, Қаюм Рамазон сингари зиёлилар томонидан амалга оширилган бўлиб, буни шартли равишда «илмий ўрганишга киришиш» даври, деб аташ мумкин. Ана шу олимлар яратган ўқув адабиётлари бу давр тилшунослигини ўрганиш учун ҳам асосий манба ҳисобланади. Тўғри, бу даврда, Элбек таъкидлаганидек, «...грамматика ва лексикология соҳасидаги билимлар юқори даражада эмас эди. Ўз грамматик системамиз бўлмаганлиги сабабли, яратилган ишларнинг деярли ҳаммаси эски схоластик араб грамматик системаси асосида иш кўрар эди. 20-йилларнинг бошларида нашр қилинган алифбо китоблари, ўқув қўлланмалари, асосан, бошланғич мактаб ўқувчиларига мўлжаллаб тузилган, улар ўқиш ва ёзиш қоидаларини ўз ичига олган».³ Бироқ оддий халқнинг саводли, ўқимишли бўлишини чин дилдан истаган жаҳид зиёлиларининг сайъ-ҳаракати туфайли вазият йилдан йилга яхшиланиб борди. Замон талаби даражасида адабиётлар, ўқув қўлланмалар яратилди. Е.Д.Поливановнинг Тошкент шеvasини ўрганишга оид ишлари, «Ўзбек тилининг қисқача грамматикаси» (I, II, III) асари, Қаюм Рамазоннинг ўзбек тилининг сўз тузилиши ва морфологиясига оид «Ўзбек тили» дарслиги (1919), айниқса, Фитратнинг «Ўзбек тили грамматикаси» («Сарф» ва «Наҳв»), «Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба», «Тилимиз» каби асарлари мустақил ўзбек тилшунослигининг шаклланиши учун муносиб

¹ Ўринбоев Б., Қурбонов Т. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Самарқанд. 2006; Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Фан, 2002.

² Изысканный дар, тюркскому языку. – Тошкент: Фан, 1978.

³ Элбек. Битам йўллари. – Тошкент, 1919.

ҳисса бўлиб, ўзбек тилини илмий тадқиқ этишга киришишни бошлаб берган ўқув қўлланмалар сифатида қаралади. Илк тажриба сифатида яратилган мазкур қўлланмалар кейинчалик ўз хизмат вазифасини аъло даражада ўташи билан бирга У.Турсунов, Ф.Камолов, В.В.Решетов, Т.Иброҳимов, Т.Салимов, С.Иброҳимов, А.Ғуломов, С.Усмонов каби етук тилшунослар, том маънодаги ўзбек илмий тилшунослигини шакллантирган забардаст олимлар етишиб чиқиши муҳим рол ўйнади. Бу олимлар ва, умуман, ўзбек тилшунослиги шаклланишига муносиб ҳисса қўшган тилшуносларнинг илмий қарашлари ҳақидаги асарлар ҳам яратилди.¹ Бироқ асарларнинг ҳеч бири ўзбек тилшунослигининг шаклланиши ва тадрижий тараққиётини изчил тадқиқ этишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган. Шу сабаб XX асрнинг охири ва XXI аср бошлари ўзбек илмий тилшунослигининг такомилени таъминлаган йирик олимларнинг хизматлари, ҳиссалари изчил тарзда системали яратилмаган. Ваҳоланки уларнинг барчаси бир умумий ғоя, мақсадга эришиш йўлида қилинган ўзаро алоқадор, бир-бирини тўлдирувчи сайъ-ҳаракатлар натижасидир.

2000 йилдан кейин «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг «Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари» рукнидаги мақолаларда бу борадаги айрим баҳсли масалалар ўртага ташланди.² Бироқ «янгича» қарашларни юзага келтирган манбалар, олимларнинг қарашлари яхши ўрганилмаганлиги сабабли, изчиллик, давомийлик бузилиб, гўё ўзбек тилшунослигида систем ёки структур тилшунослик, асосан, Европадан кириб келгандек тасаввур қолдирмоқда. Ваҳоланки, тил ва нутқни фарқлаш, тилга ички системалардан иборат яхлит система сифатида қараш, сўз ясалишига синхрон ва диахрон аспектда ёндашувнинг фарқланиши каби назарий масалалар, тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги, жамият тараққий этиши билан ўзгариши, тараққий этиши, тилнинг инсонгагина хослиги каби масалалар Европада XIX асрга келибгина эътибор қаратган. Шарқда ўзбек тилшунослиги шаклланишининг илк даврларидаёқ муҳокама объекти бўлиб, ўз ижобий ечимини топиб бўлган эди. Олий мактаблар учун яратилган «Умумий тилшунослик», «Тилшуносликка кириш», «Тилшунослик тарихи» курсларида ҳам, одатда, асосан Европа тилшунослиги тарихи ва таъсири ҳақида маълумот берилади. «Лингвистик таълимот тарихи» сериясида яратилган ўндан ортиқ илмий асарларда ҳам шундай қараш ҳукумрон.³ Бу китобларнинг деярли бир хил мундарижага эга эканлиги ҳайратланарли. Ушбу ишларда Европа ва рус тилшунослиги, умуман, жаҳон тилшунослигининг юқоридаги тезисга мос тарихи ўз ифодасини топган.

¹ Маҳмудов К., Боровков А. Эски ўзбек тили луғатларининг тадқиқотчиси сифатида // Ўзбек тили тарихи масалалари. – Тошкент: Фан, 1977; Фозилов Э. Тилшуносликнинг илк шаклланиш даврлари // Тил тараққиётининг лексик ва грамматик муаммолари. – Самарқанд, 2011. – Б. 8–15

² Ҳожиёв А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2006. – Б. 24–28; Тожиёв Ё. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – Б. 40–48.

³ Березин Ф.М. История лингвистических учений. – Москва: Высшая школа, 1975; Кондратов Н.А. История лингвистических учений. – Москва: Просвещение 1979; Виноградов В.В. История русских лингвистических учений. – Москва: Высшая школа, 1978.

«Ўзбек илмий тилшунослиги шаклланишида анъанавий морфологик қарашларнинг ўрни» деб номланган иккинчи бўлимда ўзбек назарий тилшунослигининг шаклланиши ва тараққиётига ўтган асрнинг 20-йилларидан 90-йилларигача бўлган даврда катта ҳисса қўшган олимлар фаолиятига тўхталинган. Асосий масалага ўтишдан олдин араб тилшунослиги ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшган, шу билан бирга, умуман, жаҳон тилшунослиги тараққиётида ҳам ўз ўрнига эга бўлган қомусий олимлар, шарқ алломаларининг тилшуносликка доир қарашлари шарҳланган. XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида тилшуносликка оид илмий тадқиқотлар олиб борган рус туркологлари: Ф.Е.Корш, А.Е.Кримский, В.А.Гордлевский, М.А.Казембек, Н.И.Ильминский, В.А.Богородицкий, Н.И.Ашмарин, Л.З.Будагов, П.М.Мелиоранский, В.В.Радлов, С.Е.Малов, Е.Д.Поливанов, К.К.Юдахин, А.К.Боровков, А.Н.Самойлович каби йирик олимлар ва XX асрнинг 20–30-йилларида тилшунослик соҳасида тадқиқотлар олиб борган ўзбек олимлари, кейинги давр ўзбек тилшунослиги тараққиётини белгилашда муҳим ўринни эгаллаганлиги таъкидланиб, уларнинг лингвистик қарашлари таҳлили мисолида кўрсатиб берилган. Ўзбек назарий тилшунослигининг шаклланишида уларнинг илмий асарлари асосий манба бўлиб, бу тадқиқотларсиз ўзбек тилшунослигининг кейинги илмий босқичини белгилаш мумкин эмаслиги таъкидланган.

XX аср 40-йилларидан кейинги давр тараққиёти ҳақида фикр билдирилганда, ҳеч шубҳасиз, 1934 йилда ЎзФА қўмитасида ҳозирги Тил ва адабиёт илмий текшириш институтининг ташкил топиши ва унинг тез орада ўзбек тилшунослигининг йирик илмий марказига айланганлигини айтиб ўтиш зарур. Унга кўп йиллар директорлик қилган Академик А.Ҳожиев раҳбарлигида институт илмий жамоаси ўзбек тилининг грамматикаси, жумладан, морфологиясини илмий ўрганиш бўйича ҳеч қачон аҳамиятини йўқотмайдиган йирик фундаментал ишларни амалга оширдилар ва бу жараён ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. 1970 йилларда нашр этилган ўзбек тилининг академ грамматикаси ўзбек тилшунослигининг XX асрда яратилган энг катта ютуғидир. Академ грамматикада ўзбек тили морфологиясининг кўпчилик томонидан эътироф этилган, амалда синалган энг сара илмий қарашлар ўз ифодасини топган. XX асрнинг 20-йилларида фаолият кўрсатган Ғози Олим Юнусов, Е.Д.Поливанов, К.К.Юдахин, А.Фитрат, А.Зоҳирий, А.Авлоний, Ш.Раҳимий, Ш.Зуннун, К.Рамазон, Элбек, Н.Саид ва бошқалар; кейинги йилларда улар қаторини тўлдирган А.К.Боровков, В.Решетов, С.Иброҳимов, А.Ғуломов, У.Турсунов, С.Муталлибов, С.Усмонов, О.Усмонов, Ф.Камолов, С.Зуфаров, Т.Иброҳимов, Ғ.Абдурахмонов, Ф.Абдуллаев, М.Асқарова, О.Азизов, Ш.Шоабдурахмонов, М.Мирзаев, А.Ҳожиев, А.Рустамов ва Ш.Раҳматуллаев каби фанимиз захматкашлари меҳнатининг қаймоғидир. Зеро, унда шу давргача амалга оширилган лингвистик тадқиқот ютуқлари умумлаштирилган.

Ушбу бўлимда, шунингдек, тилшуносликнинг морфология бўлими сўз туркумлари ва категорияларини, сўзнинг шакллар тизимини ҳамда шу шаклларнинг ҳосил бўлиш йўллариини ўрганиши, бу борада ўзбек

тилшунослигининг асосчиларидан бири Абдурауф Фитратнинг морфологияга оид қарашлари «Сарф» асарида ўз аксини топганлигига алоҳида эътибор қаратилган.

«Ўзбек илмий тилшунослигига Европа морфологик талқинларининг кириб келиши» деб номланган учинчи бўлимда ўзбек тилининг морфологик тизимини ўрганишда янги давр, яъни Европа тилшунослиги мезони асосида таҳлил ва тавсиф қилиш XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланганлиги таъкидланиб, бу борада амалга оширилган ишлар таҳлилга тортилган. Ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар ҳақида фикр юритилган.

Бу босқичда Европа лингвистик таҳлил тамойилини маълум даражада шарқий анъана чиғириғидан ўтказиб, ўз тили қурилишини унга мослаштирган замонавий талқин усули билан тавсифлаган ёш турклар изидан борилиб, сўз туркуми, грамматик категория, грамматик маъно таснифи каби тилшуносликдаги ечимини кутиб турган морфологияга оид муаммолар ҳал этила бошланди. Бу даврларга келиб, рус тилшунослиги ютуқларини ўзбек тилшунослигига татбиқ этиш ўзбек тилини рус тили нормалари асосида талқин этиш анча кучайганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бунинг натижасида ўзбек тилининг рус тили қолипига тушган томонлари – шакл тузилиши ва маъно томонидан батафсил таҳлил қилинди.

Диссертациянинг **«Ўзбек тилшунослигида замонавий морфологик тадқиқотлар тараққиёти»** деб номланган иккинчи боби уч бўлимдан иборат. **«Ўзбек замонавий тилшунослигида сўз туркумлари таснифига муносабат»** деб номланган биринчи бўлимда сўзларни туркумларга ажратиш анъаналари, асосий тамойиллари, тадқиқ усулларига эътибор қаратилади. Шу муносабат билан сўзларни туркумларга ажратиш тарихига назар ташланади, жараённинг ўтмиши, бугуни, истикболи ҳақида фикр юритилади. Антик даврнинг буюк олими Аристотелнинг «Поэтика» (Поэзия санъати ҳақида)¹ асарида морфологияга оид илк қарашлар кузатилади. Асарнинг «Тил ва фикр», «Нутқ бўлаклари», «Отларнинг турлари» каби фасллари бевосита морфологияга оид қарашларни ўз ичига олади. Яна шуни ҳам қайд этиш лозимки, эрамиздан олдинги 170–90-йилларда Александрия мактаби вакилларида бўлган Дионисий Фракийский қадимги грек тили учун саккизта сўз туркуми (от, феъл, сифатдош, артикль, олмош, кўмакчи, равиш, боғловчи)ни ажратиб таҳлил қилган.²

Туркий тилшуносликда М.Кошғарий ўзининг «Девону луғотит турк»³ асарининг катта қисмини «Сўз ясалиши» ва «Морфология»га бағишлаган. Асарнинг 2-жилди, асосан, олимнинг морфологияга оид қарашларини ўзида акс эттирган. Аввало, олим сўзларни уч туркумга ажратади ва булар ичида феъл ва феъл шакллари бўйича ўз қарашларини билдириб ўтади. Профессор А.Нурмонов «М.Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари

¹ Аристотель. Поэтика, адабиёт ва санъат нашриёти. – Тошкент, 1980. – Б. 3–149; 39–47.

² Античные теории языка и стиля // Цитата: Л.Л.Буланин. Трудные вопросы морфологии. – Москва: Соцэкгиз, 1936. – С. 8.

³ Махмуд Кошғарий. Девону луғотит турк // Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов. –Тошкент: Фан, 1961. №2. – Б. 41–71.

X–XI аср туркий тиллар морфологияси ҳақида тўла тасаввур берувчи қомусий асардир» деб тўғри таъкидлаган.¹ Туркий тилшуносликда муаллифи номаълум ва ёзилган ўрни мунозарали бўлган «Ат-туҳфатул закияту филлуғотит туркия» асари ҳам лексикология ва луғатшунослик нуқтаи назаридангина эмас, морфологик, сўз туркумлари жиҳатидан ҳам эътиборга моликдир. Унда луғатдан кейин берилган грамматика қисми икки жиҳатдан ўрганилган.² Бу ҳақда фикр юритган профессор Э.Умаров, айниқса, морфологияга оид қарашларга кенг тўхталган.

Туркий тил (эски ўзбек адабий тили)нинг морфологиясига оид айрим муҳим қарашлар Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида ҳам кузатилади.³ Албатта, Навоий туркий тил морфологияси бўйича махсус асар ёзган эмас. Муаллиф туркий тилларга хос отлар ва феълларнинг баъзи морфологик жиҳатлари, маъно вазифаларини қайд этиш билан чекланган бўлса-да, уларнинг бугунги морфологик таълимот учун асос бўлиб хизмат қиладиган томонлари ҳам бор. Жумладан, феълнинг даражаланиши, отларнинг жинс-тур муносабатлари ҳақидаги қарашлари бугунги кунда ҳам қимматлидир.⁴

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Марказий Осиёнинг маҳаллий аҳолисини тутқунликда сақлаш ниятида улар билан мулоқотда бўлиш зарурати туфайли рус мулкдорларида ўзбек тили (туркий тиллар)ни билиш эҳтиёжи туғилди. Шу эҳтиёж туфайли улар (туркий тиллар) грамматикани ўрганишга киришди ва баъзи амалий аҳамиятга эга бўлган асарлар яратилди. Бунга мисол сифатида М.А.Терентьев, И.А.Беляев ва бошқаларининг ишларини келтириш мумкин.⁵ Юқорида таъкидлаганимиздек, Абдурауф Фитрат ўзининг «Сарф ва Наҳв» китоби билан ўзбек тили грамматикасининг илк намунасини яратади. Олим морфология ва синтаксиснинг ўзаро боғланганлигини кўрсатиб, шу икки бўлим грамматикани ташкил этишини асослаб берди. Унинг «Сарф»и ўзбек тилидаги сўз туркумлари ҳақидаги дастлабки таълимотдир.

Ўзбек тилидаги сўзларни туркумларга ажратишда XIX асрнинг 20–40-йилларида Ғози Олим Юнусов,⁶ М.Шамсиев ва А.Щербек,⁷ Ҳ.Қаюмий ва С.Долимов,⁸ О.Усмон ва Б.Азизов⁹ ҳамда Е.Д.Поливанов¹⁰ каби олимлар томонидан ҳам эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилди. Яна бир эътиборли фикрларини айтиб ўтиш жоизки, Қаюм Рамазон 1913 йилда Мунаввар қори Абдурашидов ва Шорасул Зуннун билан ҳамкорликда «Тил

¹ Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Қатортол–Камолот, 2000. – Б.48.

² Фозилов Э., Зияева М.Т. Изысканный дар тюркскому языку. – Тошкент: Фан, 1978. – Б.3–450.

³ Алишер Навоий. Асарлар. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт, 1964. 14-жилд. – Б.116–117.

⁴ Дониёров Х., Санакулов У. Алишер Навоий тилшунос олим. – Тошкент, 1990. – Б.14–41.

⁵ Терентьев М.А.Грамматика турецкая, персидская, киргизская и узбекская. СПб, 1876; Беляев И.А. Руководство к изучению сартовского языка. 1906 № 1–4.

⁶ Юнусов Ғози Олим. Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент, 1936.

⁷ Шамсиев М., Щербек. Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент, 1932.

⁸ Қаюмий Ҳ., Долимов С. Грамматика // «Сарф» ва «Наҳв». – Тошкент, 1933–1934.

⁹ Усмон О., Азизов Б. Грамматика //Морфология ва синтаксис. – Тошкент: Фан, 1938.

¹⁰ Поливанов Е.Д. Краткая грамматика узбекского языка – Москва: Туркпечать, 1926. – 123 с.

сабоқлари» дарслигини яратган.¹ Булар ҳақида, умуман, ўзбек тили илмий морфологисининг шаклланиш тарихи ва тараққиёти тўғрисида борасида махсус ишларда² анчагина кенг маълумот берилган.

«Ўзбек илмий морфологиясида грамматик категориялар талқинига доир қарашлар тараққиёти» деб номланган иккинчи бўлимда XX асрнинг 40-йиллари ўзбек тили морфологияси бўйича жиддий илмий тадқиқотлар яратилиш даври бўлганлиги алоҳида таъкидланган ва бунинг сабаблари очиб берилган. Бу вақтга келиб, умумий тарздаги морфологияга оид қайдлардан секин-аста ҳар бир морфологик ҳодисани алоҳида тадқиқ этишга ўтила бошланди. Бундай йўналишдаги ишларни тилшунос А.Ғуломов 1940 йилда «Ўзбек тилида келишиклар» рисоласи – тадқиқоти билан бошлаб берди.³ Кўп ўтмай, олим «Ўзбек тилида кўплик категорияси» асарини яратди. Шу тарзда 30 дан ортиқ илмий тадқиқотлари бевосита ўзбек тили морфологиясига оид у ёки бу муҳим ҳодисанинг илмий талқинига бағишланди. М.Жўрабоева қайд этганидек, олимнинг «катта асарларга тенг, қимматли ўнлаб мақолалари илмий хазинасида ноёб бўлиб қолаётганлиги, ҳали ҳам ўз қийматини йўқотмай, янги-янги йўналишдаги тадқиқотларга пойдевор бўлиб хизмат қилаётгани аён ҳақиқат».⁴ Унинг бирор тадқиқотида тизимсизликни кўриш мумкин эмас. Зеро, диалектик билиш тамойиллари шуни талаб этади. Чунки оламдаги ҳар бир ҳодисага (билишда) ёндашилгани каби тилнинг ҳар бир ҳодисасига (ҳар бир бирлигига ҳам) унинг бошқа ҳодисалар, birlikлар билан турлича муносабатларини назарда тутмасдан туриб ёндашиб бўлмайди. Бу бир ҳақиқат ва ўзгача ёндашувларнинг ҳеч бири кутилган натижаларни бермайди, бир ёқлама хулосаларни келтириб чиқаради. Профессор Ҳ.Неъматов бундай ҳолатларга муносабат билдирар экан, қуйидаги ҳақли фикрни баён қилади: «Лисоний birlikнинг структурал (жумладан, субстанциал) талқини ҳам, формал талқини ҳам ўз йўлида – унинг ҳар бир, жуда ҳам серқирра бўлган тадқиқ манбаининг – лисоний birlikнинг бир қиррасинигина очиб беради, холос. Қолган қиррасини очиш фан олдида турган вазифа. Давр ва тараққиёт эса унинг янги-янги қиррасини очиб бораверади. Шунинг учун ҳозирги ўзбек тилшунослигида айтилган бир тилнинг – ўзбек тилининг морфологик тизими тавсифида турли хил ёндашиш ва талқинни кўриш мумкин».⁵

«Замонавий ўзбек тили, морфология» қўлланмасида «Шунинг учун уни категория таркибидан чиқариш система моҳиятини уқмасликдан бошқа нарса эмас... Лисоний моҳият эса «шаклсиз ҳолатнинг шаклли ҳолатга зидланишидан иборат», деган хулоса берилган.⁶ Бу ҳолат проф. Ё.Тожиевнинг «ўтимлилик ва ўтимсизликка» бағишланган мақоласида ҳам алоҳида таъкидланган.

¹ О‘rinboev B., Qurbonov T. O‘zbek tilshunosligi tarixi // O‘quv qo‘llanma. – Samarqand: SamDU, 2006. – B. 124.

² Замонавий ўзбек тили. Морфология. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2008. – Б. 25–56.

³ Ғуломов А. Ўзбек тилида келишиклар // СССР ФА Ўзбекистон филиалининг асарлари. 2-серия. Филология. – Тошкент, 1941. № II.

⁴ Ғуломов А. Библиографик кўрсаткич. – Тошкент: ЎзМУ, 2004. – Б.7.

⁵ Замонавий ўзбек тили. Морфология. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2008. 1-жилд. – Б.24.

⁶ Замонавий ўзбек тили. Морфология. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2007. – Б.210.

Бошқача айтганда, ҳар бир тил бирлиги, ҳар бир тил ҳодисаси ўзи мансуб бўлган тил материаллари сифатида шу тилнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, тил ҳақидаги умумий назарий фикрлар, қарашларни татбиқ этган ҳолда, уларга субстанциал ёндашув асосида муносабатда бўлганда чуқур тадқиқ этилган бўлади. Умуман олганда, профессор А.Ғуломов ўзбек илмий тилшунослигининг грамматик категорияларини хусусийдан умумийга қараб таҳлил қилди ва грамматик категорияга ҳамда унинг юзага келиш ҳолатларига тўғри баҳо берди. Бу ҳолат тилшуносликдаги кейинги грамматик категорияларнинг ўрганилиши ва тадқиқ қилиниши учун асос вазифасини бажариб келмоқда. Зеро, профессор А.Ғуломов қайд этиб ўтган барча грамматик категориялар ҳозирги кунгача яратилган бошқа барча илмий-тадқиқот ишларида янги методологиялар асосида ўрганилмоқда. Масалан, ҳозирги кунда келишик категорияси таркиби қайта кўриб чиқишни тақозо этаётганлиги кузатилади. Чунки қаратқич келишиги, аввало, *отни отга* боғлайди. Бошқача айтганда, *от+от* муносабатини, бошқа келишик шакллари эса *от+феъл* муносабатини ифодалайди – бу жуда катта фарқ.

Қаратқич келишиги шакли, албатта, *от* билан *от* муносабатини ифодаловчи эгалик шакли билан биргаликда қўлланади ва улар биргаликда ўзбек тилида тегишлилик, мансублик маъноларини ифода этади: *Каримнинг китоби, уйнинг тўри, менинг укам* кабилар. Шунини алоҳида ўрганган ҳолда ва ўзбек тилида *-даги, -ники, -лик, -ий(вий)* каби воситаларнинг ҳам тегишлилик, мансублик маъноларини ифодалашини, от туркумига кирувчи сўзлар шу туркумга кирувчи сўзлар билан боғлашини назарда тутиб, ўзбек тилида отларда қарашлилик-тегишлилик (поссесивлик) категорияси мавжудлигини асослашга ҳаракат қилинади. Бу алоҳида асосланиши зарурлигини таъкидлаймиз. Шунингдек, сўз туркумлари таснифини бошқачароқ кўриб чиқиш вақти келганлигини айтиб ўтмоқчимиз, маълум қарашларни ҳисобга олганда ҳам бта мустақил сўз туркуми (от, сифат, сон, олмош, равиш, феъл); 3та оралик сўз туркуми (модал сўзлар, тақлид сўзлар, ундовлар); 2та ёрдамчи сўз (кўмакчи, боғловчи) туркуми ажратилишини маъқуллаш кераклиги ҳам ойдинлашади. Сўз юкламалар модал сўзларга бирлашади, аффикс юклама аффикслар қаторида ўрганилиши (сўз туркуми доирасида эмас) зарур, деб ҳисоблаймиз.

«Ўзбек илмий морфологиясида сўз ясалиши муаммолари талқини ва унинг стандартлашуви» деб номланган учинчи бўлимда туркий тилшуносликда ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам морфологиянинг лексикология билан яқинлиги, айниқса, морфологик йўл билан – аффикслар орқали сўз ясашда ёки бир туркумдаги сўзнинг бошқа туркумга ўтишида очик кўриниб туриши таъкидланиб, ушубу масала атрофлича таҳлилдан ўтказилиб, мавжуд фикрларга муносабат билдирилган. Гап шундаки, сўз мустақилликка, яхлит тузилишга эга, унда ўзаро боғланган фонетик, лексик-семантик ва грамматик томонлар мавжуд. Бу сўзнинг ўзаро боғланган уч хил тузилишга эга эканлигини кўрсатади: биринчидан,

сўзнинг семантик жиҳати; иккинчидан, сўзнинг фонетик жиҳати; учинчидан, сўзнинг морфологик жиҳати каби.

Сўз яшашнинг энг кўп тарқалган, етакчи усули аффиксация усули, бундай яшалиш формал, ташқи томондан сўзшакл яшаш билан бир хил кўринишда бўлганлигидан, бу ходиса узок вақт морфология таркибига киритилди, ҳолбуки, сўз яшашнинг синтактик, фонетик ва лексик-семантик усуллари ҳам бор. Сўз яшашнинг фонетик ва лексик-семантик типлари (грамматик сўз яшашдан бошқа усуллар) морфологиядан анча узок туради. Сўз яшаш ходисаси - янги лексик бирлик яратиш демак. Англашиладики, сўз яшалишининг функцияси лексик характерда, у лексикологияга жуда яқин туради. Шунга кўра, айрим ишларда сўз яшалиши лексикологияга киритилганлиги ҳам айтилади.¹

Сўз яшашнинг функциясини, барча усуллари ва воситаларини, тил системасининг турли томонлари билан муносабатини – умуман, унинг табиатини, ўзига хос хусусиятларини жамлаб, бир бутун сифатида олиб қарасак, унинг тилшуносликдаги мустақил бир бўлим, соҳа эканлигини кўрамиз. Демак, сўз яшалиши тил ҳақидаги фаннинг айрим бир соҳаси, шу билан бирга унинг бир томони морфологияга алоқадорлиги билан ажралиб туради, албатта.

1989 йилда Академик А.Ҳожиёвнинг «Ўзбек тилида сўз яшалиши» қўлланмаси ўзбек тилшунослигида сўз яшалиш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимини топиш ва олимларнинг фикрларини жамлаш мақсадида чоп этилган. Профессор А.Ғ.Ғуломов эса сўз яшалишининг грамматика ва лексикологияга боғлиқлиги борлигини таъкидлаш билан бирга, ўз текшириш объекти борлигини, алоҳида соҳа эканлигини қайд этади. Олим морфема билан иш кўрувчи соҳаларнинг баёнида аввал морфемика, сўнг сўз яшалиши ва морфологиянинг алоҳида-алоҳида соҳалар сифатида берилиши, кўрсатилган илмий грамматикада бу ҳол «илмий жиҳатдан пухта асосланиб, практик томонидан ҳам афзалликларга эга» эканлигини таъкидлайди.²

Яна бир ҳолатга алоҳида эътибор бериш керакки, ўзбек тилшунослигида 1955 йилга келиб, «Ўзбек тилида тарихий сўз яшалиши муаммолари» фундаментал тадқиқоти юзага келди. Шу мавзуда А.Ғуломов Москвада докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ишда, шунингдек, аффиксация вақтида содир бўладиган фонетик ўзгаришларга кенг тўхталиб ўтилган. Маълум бир вақт ўтгандан сўнг ўзбек тилида сўз яшалиш парадигмаси, сўз яшалиш категорияси терминлари ва улар моҳиятига тўхталадиган бўлсак, бу терминлар академик А.Ҳожиёв таъкидлаганидек, аввало ортиқча, алоҳида моҳиятни ифода этмайди. Бироқ «сўз яшалиш парадигмаси» терминини «сўз яшалиш типи» термини ўрнида шартли қўллаш мумкин. Бу типнинг моҳияти. Модел – бу = асос+аффикс (бир модел); аффикс+асос (иккинчи модел) тарзида берилган.

¹ Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент: Фан, 1975. – Б.59.

² Ўша манба. – Б.6.

Жаҳон тилшунослигида сўз ясаши борасида олиб борилган тадқиқотларнинг деярли барчасида уларнинг қандай усуллар эканлиги, кўринишларига тўхталиб ўтилганлигининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, туркий тилларда сўз ясашига доир ишларда бу масалага тўхталиб ўтилган. Ҳатто сўз яшаш усуллари махсус тадқиқот объекти бўлган ишлар ҳам анчагина. Ўзбек тилшунослигида бошқа ишлар қатори иккита махсус иш айнан шу масаланинг моҳиятини очиб беришга бағишланган.¹

Диссертациянинг «**Ўзбек тили морфологиясининг систем-структур босқичи**» деб номланган учинчи боби уч бўлимдан иборат. «**Жаҳон тилшунослигида лисон ва нутқнинг фарқланиши ҳамда тилга система сифатида ёндашувнинг ўзбек тилшунослигига таъсири**» деб номланган биринчи бўлимда жаҳон тилшунослик фани ҳам ҳозирги тараққиёт босқичга етиб келгунга қадар узоқ тарихий ривожланиш даврини босиб ўтгани ва узоқ вақт структурализм ғоялари таъсирида фаолият юритгани ёритилади. Структурализм – структурал лингвистика XX асрнинг 20-йиллари охирида юзага келди. У Прага, Америка ва Копенгаген структурализми каби учта мактабга бўлинади.

Структурализм мактаблари бир-биридан ташкил топган жойига, тилни структура ҳодиса сифатида олиб, уни тузилишига кўра таҳлил қилиши, қўлланадиган методларига кўра, лисоний ҳодисаларга қайси позиция нуқтаи назаридан ёндашишига кўра ўзаро фарқланади, лекин бир умумий ғояга кўра бирлашади. Бу ғоя вакилларининг лингвистик таълимоти тил ва нутқ фарқланишига асосланган. Таъкидлаш лозимки, қайд этилган қарашлардаги *тил* атамаси, ўзбек тилшунослигида фарқланган *нутқ*га зиддиятда турувчи *лисон* атамаси моҳиятига эга. Чунки бизда ҳозирда тил билан нутқ эмас, балки лисон билан нутқ зидланади. Тил, лисон ва нутқнинг диалектик бирлигидан иборат бутунлик сифатида талқин қилинади.² Бугунги кунда ўзбек тилшунослигида тилга қарашларда ана шу тўхтама келганлар. Буни формула шаклида тил=лисон+нутқ тарзида ифодалаш мумкин. Умуман олганда, бу таълимотда лисон бўлинувчан бўлақларнинг мажмуи ёки турғун хусусий birlikларнинг ўзаро барқарор, доимий боғланиш муносабати асосида ташкил топган бутунлик сифатида кўрилади.³ Шу нуқтаи назардан лисон birlikлари, аввало, икки гуруҳга ажратилган: а) ташкил этувчи энг кичик лисоний birlik; б) энг кичик ташкил этувчилар асосида вужудга келган ҳосила лисоний birlik.

Ташкил этувчи ва ҳосила birlik орасида поғонали муносабат (фонема, морфема, лексема, қолип) ҳосил бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, энг кичик ташкил этувчининг ўзи ҳам ташкил этувчидан иборат, (фонема-унли, ундош-лабланган, лабланмаган) демак, у ҳам нисбий тушунча. Чунки ташкил этувчининг энг кичиги ҳам (фонема) ташқи ва ички жиҳатларга ажралади.

¹ Сайфуллаев А., Убаева Ф. Сўз яшаш усуллари. – Бухоро, 1958; Ғуломов А. Ўзбек тилида сўз яшаш йўллари ҳақида // Тил ва адабиёт институти асарлари. – Тошкент: Фан, 1949. №1. – Б. 37–87.

² Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Қурбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Фан ва технология, 2009. – Б. 23–47.

³ Нейматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993.

Таъкидлаш жоизки, айна таълимотдаги лисон – умумийлик, моҳият, имконият, сабаб моҳиятига, нутқ – алоҳидалик, ҳодиса, воқелик, оқибат моҳиятига эга. Шуларни инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, лисоний бирликлар – фонема, морфема, лексема, қолип, нутқий бирликлар: товуш, қўшимча, сўз, ясама сўз, сўз бирикмаси тарзида ўзаро зидланади¹ ҳамда бу ҳолат яъни лисон-нутқ дихотомияси ўзбек тилшунослигининг кейинги тараққиёти учун назарий, ўзбек тили таълими учун амалий жиҳатдан концептуал характер касб этди. Бугун бу фарқланишни ҳисобга олмай иш тутган тилшунос ёки филолог ўқитувчи ўз талқинларида жиддий хатоларга йўл қўйиши муқаррар.

Лисон ва нутқ фарқланишида лисоний зиддиятлар муҳим ўрин тутади. Лисоний зиддият ва унинг турлари ҳақида гап борганда эса, зиддият – зиддиятга киришаётган парадигма аъзолари зиддият аъзолари, бир белги асосида қарама-қарши қўйилиши зиддият белгиси эканлигини англаб олиш зарур бўлади. Шунда зиддиятни тизимда тутган ўрнига кўра, зиддият аъзоларининг ўзаро муносабатига кўра ва турли вазиятда зиддиятнинг амал қилишига кўра турлари борлиги изоҳланади.² Бўлим давомида систем-структур тилшунослигимиз йўналиш намояндаларининг лисон ва нутқ фарқланишини асословчи бу каби қарашларга муносабат билдирилиб, уларнинг мазмун-моҳияти очиб берилган.

«Грамматик шакл ясовчилар тил ва нутқ сатҳида. Сўзларнинг морфологик гуруҳлари ва категориялари» деб номланган иккинчи бўлимда тил система сифатида қадимдаёқ идрок этилгани, унга Аристотель ҳам, Форобий, Беруний, Ибн Сино, М.Кошғарий, Замахшарий ҳам, йирик тилшунос Сибавайхий ҳам, деярли барча тилшунослар ҳам система сифатида ёндашганлигига урғу берилиб, тилнинг таркибий қисмлари ҳам системалардан иборат бўлиши, шундай экан, тилни яхлит ҳолда системавий ўрганиш билан унинг сатҳларини система сифатида ўрганиш бир-биридан фарқ қилиши лексик, грамматик сатҳ бирликлари тадқиқи мисолида асосланган, системавий морфологик тадқиқ тамойилларининг моҳияти очиб берилган.

Тилшунослиқда лексик сатҳни яхлит система сифатида ўрганиш билан лексик сатҳ бирлигини компонент таҳлил усулида ўрганиш бир-бирига тенг эмас. Бу ўринда тилни, унинг сатҳларини система сифатида ўрганиш билан маълум тадқиқ усулларини аралаштириб қўллаш ҳам кузатилади. Бу ҳақдаги фикрлар ХХІ асрнинг бошларида «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг «Тилшунослиқнинг долзарб муаммолари» рукнида берилган академик А.Ҳожиев ва профессор Ё.Тожиевларнинг мақолаларида ёритиб берилган.

¹ Нигматов Х.Г., Абдуллаев К.М. и др. Способы синтаксической связи и актуальные вопросы тюркского синтаксиса. Тезисы формально-функционального исследования // Сов. тюркология. – 1988. – № 4. – С. 103-106; Нигматов Х.Г., Абдуллаев К.М., Банару В.И., Махмудов Н.М., Мухамедова Д.А., Нурманов А. Структура предложения и актуальные вопросы синтаксиса тюркских языков. Тезисы формально-функционального исследования // Советская тюркология. – 1984. – № 5. – С. 3–10.

² Нейматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 128 б.

Истиклол даврида ўзбек тилшунослигининг олдинги авлод вакиллари ва улар қаторини тўлдирган кейинги авлод вакиллари ўзбек илмий тилшунослигининг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишини таъминлашда катта ҳисса қўшдилар. Бу давр ўзбек тилшунослигида ечимини кутаётган долзарб, назарий асосланиши шарт бўлган, назарий тилшуносликнинг ҳолати-савиясини белгилаб берувчи бир қатор тадқиқотлар ҳам яратилди. Шундай ишлар сирасига М.Миртожиевнинг «Ўзбек тили семасиологияси» (2010), А.Ҳожиевнинг «Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясаилишининг назарий масалалари» (2010), А.Нурмоновнинг «Структур тилшунослик илдизлари ва йўналишлари» (2006), Н.Маҳмудов, Р.Расуловнинг «Умумий тилшунослик» (2005) каби асарлари киради. Бу борада филология фанлари доктори, профессор Б.Менглиев, айниқса, самарали ишларни олиб бормоқда.¹

Олимнинг таъкидлашича, нутқ лисоний бирликнинг жамият аъзолари онгида ўринлашган меъёри асосида муайян моддий (ёзма, оғзаки ва бошқ.) шакллардан бирида воқеланишидир. Меъёр – лисоний бирликнинг нутқда воқеланиши учун танланиш омил ва усуллари мажмуидир.

Бугунги кунда ўзбек тилшунослиги тилнинг янги қирраларини очиш – янги сифат босқичига кўтарилиши десак, адашмаган бўламиз. Ҳ.З.Ҳайруллаевнинг «Тил ва нутқ бирликларининг иерархик муносабатлари» мавзусидаги докторлик диссертацияси, Ж.Ё.Ибрагимовнинг «Ўзбек тилини субстанциал-прагматик тадқиқ қилишнинг методологик асослари» мавзусидаги филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун диссертацияси ва А.Б.Пардаевнинг «Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматикаси» мавзусидаги докторлик диссертацияси фикримизнинг далили бўла олади.

«Ўзбек замонавий морфологиясининг тараққиётида сўз ясаилишининг ўрни» номли учинчи бўлими дастлаб Академик А.Ҳожиевнинг 2007 йилда нашр этилган «Ўзбек тили сўз ясаилиш тизими» ўқув қўлланмасида ўзбек тилшунослигидаги аксарият сўз яшаш ҳолатларининг таҳлили бериб ўтилган. Жумладан, олим ўзбек тилидаги сўз ясаилишига оид тушунчалар – «сўз яшаш», «сўз яшаш усули», «ясама сўз таркиби», «сўз яшаш асоси», «сўз ясовчи», «сўз яшаш маъноси», «сўз ясовчи», «сўз ясаилиш маъноси», «сўз ясаилиш типи», «маҳсулли ва маҳсулсизлик», «сўз ясаилиш имконияти» кабиларнинг моҳияти ҳақида сўз юритиб, уларнинг ҳар бирининг моҳиятини инкор қилиб бўлмас асослар билан очиқ беришга эришади. Унинг фикр-мулоҳазалари нафақат сўз ясаилиши билан, балки морфологиянинг моҳиятини тушунишда ҳам муҳим назарий асос ҳисобланади.

Олим 2010 йилда нашр этилган «Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясаилишининг назарий масалалари» монографиясида сўз ясаилишини икки хил ҳолатда: сўз ясаилишини тилшуносликнинг морфология

¹ Менглиев Б. Тилшуносликнинг амалий масалалари. –Тошкент: GlobeEdit, 2020. – 89 б.

бўлимида ёки алоҳида бўлим сифатида ўрганиш лозимлиги айtilган. Тилни система сифатида ўрганиш босқичида ясама сўз бирор тил системасининг тил бирлиги сифатида қаралмаганлиги, сўз ясаши системасининг тил бирлиги сифатида «қолип» (сўз ясаши қолипи) тушунилиши, бу эса жиддий хатоликларга олиб келишини таъкидлайди.¹

Ясама сўз сўздан эмас, балки унинг муайян маъноси асосида ясалади. Бунга *ҳаракатчан* сўзини мисол сифатида келтирган.² Демак, бу сўз, биринчидан, мустақил birlik эмаслигини ифодаласа, иккинчидан, *сўз ясаши асоси* термини ясама сўзнинг таркибий қисми эканлигини билдиради. Сўз ясаши асоси ясама сўздан, ҳаттоки, қўшма сўздан бўлиши мумкин. Шу жиҳатни ҳисобга олиб, сўз (мустақил сўз), лексема ва сўз ясаши асоси бир-биридан фарқли тушунчалар, биринчи ўрнида иккинчисининг қўлланиши нотўғри эканлигини билдиради. Сўз ясаши асоси ясама сўздан ва қўшма сўздан ҳам ташкил топган бўлиши мумкин.

«Ўзбек замонавий морфологиясининг янги амалий босқичи масалалари» деб номланган тўртинчи боб уч бўлимдан иборат бўлиб, **«Компьютер ва корпус лингвистикаси талаблари асосида сўз туркумлари ва грамматик категориялар тавсифига ёндашув»** деб номланган биринчи бўлимида ўзбек тилининг миллий корпусини яратиш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканлиги хусусида сўз боради. Тил корпуси қидирув дастурига бўйсундирилган, маълум бир тилга оид матнлар мажмуи, ўн миллиондан тортиб, юз миллионгача, ҳатто, миллиардлаб сўз қўлланишларини ўз ичига олади.³ Тил корпусининг замонавий ва илмий янгилиги – тинимсиз янгиланиб бориши имкониятига эгаллиги, кенг қамровлилиги ва фойдаланишда қулайлиги билан характерланади. Тил корпуси – матнлар майдони ва корпус менежеридан иборат, луғатлардан фарқли равишда сўзларнинг қўлланиш частотаси, тилларнинг ривожланиши ва ўзгариши даражасини, ҳатто, ҳар бир сўзнинг қўлланиши мисолида ҳам аниқлаб бера олади.⁴

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, корпус компьютер асригача ҳам шаклланиб улгурган эди. Лекин кейинги даврда тадқиқнинг корпус методидан фойдаланишга қизиқиши кучайиши катта ҳажмли матнларнинг қайта ишлашга тўғри келганлиги боис, компьютер технологияларининг кириб келишига эҳтиёж туғилди. Аксарият олимлар тилни тадқиқ этишда интроспекция (ўз-ўзини кузатиш), табиий фактга таяниш усули доим ҳам айнан бир хил натижа беравермайди, деган фикрни ёқлашади.

Кейинги асрда ҳам ноэлектрон шаклда яратилган корпусларга эҳтиёж борлиги сезилиб турди. Чунки янги кўринишдаги корпусларнинг юзага келиши учун ноэлектрон корпуслар асос бўлди, бундан ташқари, корпусни шакллантириш базаси сифатида муҳим манба вазифасини бажаради.

¹ Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясашининг назарий масалалари. – Тошкент: Фан, 2010. – Б.142

² Ўша манба. – Б. – 146.

³ Ўша манба. – Б. – 54.

⁴ Ўша манба. – Б. 55.

«Морфологик луғатларнинг яратилиши ўзбек назарий морфологиясининг тараққиёт омили сифатида» деб номланган иккинчи бўлимида ўзбек тили морфологик луғатини яратишнинг назарий ва методологик асослари хусусида сўз боради. Бу эса ўзбек тилининг миллий корпусини яратиш, таржима дастурлари, морфологик анализаторни ишлаб чиқиш, орфографик текширув, морфологик-автоматик анализатор дастурини тузиш масаласи ушбу морфологик луғатнинг натижаси билан боғлиқ. Ўзбек тилининг агглютинатив табиати – унинг беҳад катта морфологик тизими билан боғлиқлигини ҳисобга олган олимларимизнинг ушбу луғатни тузишга журъат етмади ва бу бевосита ўтган даврда ҳали компьютер технологияларининг ривожланмагани ҳамда компьютер саводхонлигининг даражаси пастлиги билан ҳам белгиланади.

Маълумки, грамматик луғат – барча грамматик шакл ҳосил қилувчи воситаларни ўз ичига олувчи тизимли соҳавий луғат. Бунинг ёрқин намунаси А.А.Зализнякнинг рус тили грамматик луғати¹ бўлиб, у рус тилидаги от, сифат, сон, олмошнинг грамматик ўзгаришларини терс луғат кўринишида намоён қилади.² Дастлаб қоғоз кўринишида бўлган бу луғатлар такомиллаштирилиб, электрон–онлайн луғатларга айлантирилган, морфологик анализаторлар учун дастурий таъминот вазифасини бажарган. Бу дастурий таъминот асосида матннинг имловий текшируви, таржимаси, автоматик морфологик таҳлил кабилар амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, 2021 йилда ўзбек тили феъл шакллари луғатини тузган Ш.Ҳамроева, Ў.Холиёров ва Г.Абдуалимоваларнинг уқтиришича, ўзбек адабий тилида 4000 атрофида феъл мавжуд (улар буни 5 жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» га таяниб айтмоқдалар). «Ўзбек тилида бир феълнинг морфологик шакллари ҳаддан зиёд кўп бўлганлиги учун бошқа тиллардаги грамматик луғатлардан фарқли ўлароқ фақат битта феъл танланди. Шу битта феълнинг шакллари ўзбек тили имконияти нақадар бой эканлигини очиб беради, манзарасини етарлича намоён этади, қолаверса, бошқа феълларнинг шакллари учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади».³

Бу луғат яратилишидан олдин ўзбек тили феъл шакллари статистикаси ҳақидаги фикрлар А.Пўлатов китобидан бошқа адабиётларда айтилмаган ва кун тартибига ҳам кўйилмаган. «Ўзбек тилида феъл шаклларини кўрсатиш учун мисол сифатида *ишламоқ* феъли олинди. Феълнинг баъзи шаклларини беришда, мувофиқ келишига қараб, бошқа феъллардан (масалан, ювинмоқ, ўқимок, севинмоқ каби) ҳам фойдаланилди».⁴ Шундай қилиб, А.Пўлатов илк бор 100 минг миқдорини ишлатган ва бунинг ўзи катта янгилик эди.⁵ Аммо бу луғат бир феъл доирасидаги изланишлар ҳар доим ҳам адекват маълумот бера олмаслигини кўрсатди.

¹ Зализняк А.А. Грамматический словарь русского языка. Словоизменение. 1977, 3-е издание – 1987.

² https://ru.m.wikipedia.org/wiki/Грамматический_словарь_русского_языка_А._А._Зализняка.

³ Hamroyeva Sh.M., Xoliyorov O'.M., Abdualimova G.H. O'zbek tilining fe'l shakllari lug'ati ("kiymoq" fe'li misolida): lug'at. – Termiz: Termiz davlat universiteti nashr-matbaa, 2021. – 492 b.

⁴ Пўлатов А., Мўминова Т., Пўлатова И. Дунёвий ўзбек тили. Ўзбек тилида феъл шакллари ва уларнинг рус, инглиз тилидаги кўринишлари. – Тошкент: Университет, 2003. – Б 18.

⁵ Пўлатов А., Мўминова Т., Пўлатова И. Дунёвий ўзбек тили. Ўзбек тилида феъл шакллари ва уларнинг рус, инглиз тилидаги кўринишлари. – Тошкент: Университет, 2003. – Б 357.

«Ўзбек тилшунослигида морфологик анализаторни яратиш, морфологик теглаш вазифалари ва уларнинг методологик асослари» деб ном олган учинчи бўлимида морфологик луғат яратиш тартиби, уларнинг ишлаш механизмлари, вазифалари очиб берилган.

Морфологик анализатор – луғат(лексикон)даги сўзшакл ва алоҳида сўзларни қиёслашга мўлжалланган, сўзнинг грамматик хусусиятини ифодалайдиган алгоритмлар тўплами.¹ Синтактик парсер матнни "таниш" функциясиз ҳам ишлай олса-да, таҳлил жараёнида морфологик анализатор таҳлил натижасини фаол қўллайди. Матннинг грамматик ахборот берувчи разметкаси синтактик таҳлил қоидаларини тузишга ёрдам бериши айtilган.²

Умуман олганда, матннинг автоматик таҳлили бир неча мураккаб операциядан иборат: компьютер табиий тилдаги матн таҳлилини белгиланган алгоритм асосида амалга оширадигани, автоматик таҳлил давомида компьютер матн ҳақида ўз тилида лексик-морфологик, синтактик, семантик тасаввур ҳосил қилади. Матннинг автоматик анализ ва синтез жараёни компьютер лингвистикасининг асосий вазифаларидан бири саналади. Бу вазифа сунъий интеллект учун лингвистик моделлар яратиш ва инсониятнинг амалий эҳтиёжидан (масалан, автоматик машина таржимаси) келиб чиқади.³

Энг муҳими яна шундаки, адабиётларда автоматик таҳлилнинг стемминг, сўзшаклнинг луғат асосидаги таҳлили, мантикий ёндашув асосидаги таҳлили, жадвал⁴ асосида, луғатсиз таҳлил каби турлари кўрсатилади. Мутахассислар автоматик морфологик таҳлил стемматизация, лемматизация, граммедалаш каби асосий блоклардан ташкил топишини уқтиришади.⁵

Умуман олганда, туркий тилларнинг кўп тилли полифункционал интернет-сервис дастури морфоанализатор бирикишлар қоидасининг икки типи: бир сўзшакл ичидаги бирикиш қоидалари; "аналитик шаклларни келтириб чиқарувчи бирикиш қоидалари билан "иш кўради»,⁶ Бундай қоидаларнинг мавжудлиги морфоанализатор иш жараёнида алгоритмлар кетма-кетлигини камайтиради, жараёни соддалаштиради. Демак, ўзбек тили морфоанализаторини ишга тушириш учун морф, алломорф, сўзшакл, морфема ва бирикиш қоидалари каби муҳим бирликлар ажратилиши талаб этилади.

Яна бир нарсага алоҳида эътибор қаратиш лозимки, туркий тиллар морфологик таҳлилини амалга оширишда жаҳонда мавжуд уч асосий

¹ http://www.solarix.ru/for_developers/docs/morphology_analyzer.shtml.

² Хамроева Ш. Ўзбек тили морфологик анализаторининг лингвистик таъминоти. Тошкент: GlobeEdit, 2020. – Б.50.

³ Щипицина Л.Ю. Информационные технологии в лингвистике : учеб. пособие. – Москва: Наука, 2013. – С. 43.

⁴ Марчук Ю. Компьютерная лингвистика. – Москва: МГУ, 2006. – С. 65.

⁵ Гатауллин Р.Р., Гатиатуллин А.Р., Неврозова О.А., Мухамедшин Д.Р., Сулейманов Д.Ш., Хакимов Б.Э, А.Ф.Хусаинов. Формальные модели и программные инструменты компьютерной обработки татарского языка.– Казань: Академии наук, 2019. – С.39–40.

⁶ Ўша манба. – Б. 39-40.

ёндашувнинг парадигматик,¹ автоматик,² генератив каби турларидан фойдаланиш мумкин.³

Демак, морфоанализаторни ишга тушириш учун, одатда, таркибий қисми: аффиксал морфемалар базаси, асос морфемалар базаси, таснифлаш қоидалари, алламорфлар мослиги қоидаларидан иборат бўлади.⁴ Морфоанализаторида грамматик маъно, грамматик шакл: граммама, квазиграммама, дериватемалар ҳам ўзбек тили морфологик анализатори ва унга асос бўлувчи ҳолатларга олимларимиз турлича изоҳ бериб ўтганлар.⁵ Қайд этилганлар шундан далолат берадики, ўзбек замонавий морфологиясининг амалий босқичи морфологиянинг энг истиқболли йўналиши ҳисобланади. Ўзбек тилининг корпусини яратиш бу борадиги энг долзарб вазифадир.

ХУЛОСА

1. XX асрнинг бошларида ўзбек илмий тилшунослиги равақ топиши ва келажаги учун ўзбек тилининг морфологик тизимини шарҳлаш ва илк миллий дарслик яратиш масаласи мақсад қилиб қўйилган.

2. Ўзбек илмий тилшунослигининг асосчилари А.Фитрат, А.Ғуломов, С.Усмонов ҳамда рус туркологлари Ф.Е.Корш, А.Е.Кримский, В.А.Гордлевский, М.А.Казембек, Н.И.Ильминский, В.А.Богородицкий, Н.И.Ашмарин, Л.З.Будагов, П.М.Мелиоранский, В.В.Радлов, С.Е.Малов, Е.Д.Поливанов, К.К.Юдахин, А.К.Боровков, А.Н.Самойловичларнинг формал-функционал йўналиш, деб номланувчи илмий тадқиқотлари кейинги систем-структур илмий босқичини белгилаб беришга асос бўлганлиги маълум бўлди. Бу эса, ўзбек илмий морфологиясига тамал тоши қўйилишида, дастлаб, XX асрнинг бошларида туркумлар ичидаги категориялар таснифини

¹ Тузов В.А. Морфологический анализатор русского языка //Вестник СПбГУ, сер. 1. 1996. Вып. 1 (№15). –С. 41–45.; Сегалович И., Маслов М. Русский морфологический анализ и синтез с генерацией моделей словоизменения для не описанных всло варе слов // Компьютерная лингвистика и интеллектуальные технологии: Труды международной конференции «Диалог 99». Т. 2. Казань, 1998. – С. 547–552.

² Antworth, E.L. PC-KIMMO: a two-level processor for morphological analysis. Occasional Publications in Academic Computing No. 16. Dallas: Summer Institute of Linguistics, 1990. – 273 p.; Kemal Ofli azer. Two-level Description of Turkish Morphology. Literary and Linguistic Computing, -Vol. 9, No 2, – 1994.

³ Татиатуллин А.Р., Баширов А.М. Морфологический анализатор тюркских словоформ на базе структурнофункциональной модели тюркской морфемы // Пятая Международная конференция по компьютерной обработке тюркских языков «Ти КГапе 2017». – Труды конференции. В 2-х томах. Т 2. – Казань: Издательство Академии наук Республики Татаристан, 2017. – С. 50-71.

⁴ Исраилова Н.А., Бакасова П.С. Морфологический анализатор кыргызского языка // Пятая Международная конференция по компьютерной обработке тюркских языков «ТигКГапя 2017». – Труды конференции. В2-х томах. Т2. – Казань: Издательство Академии наук Республики Татаристан, 2017. – С.100–117.; Татиатуллин А.Р., Баширов А.М. Морфологический анализатор тюркских словоформ на базе структурнофункциональной модели тюркской морфемы // Пятая Международная конференция по компьютерной обработке тюркских языков «Ти КГапе 2017». – Труды конференции. В 2-х томах. Т 2. – Казань: Издательство Академии наук Республики Татаристан, 2017. – С. 50-71.

⁵ Замонавий ўзбек тили. Морфология. (Масъул муҳаррир: Р.Р.Сайфуллаева). – Тошкент: Мумтоз сўз, 2008. – Б.196; Мельчук И.А. Курс общей морфологии. Т.1, Москва – Вена: «Языки русской культуры», Венский славистический альманах, Издательская группа «Прогресс», 1997. – С.240–287; Mengliyev B., Xoliyorov O‘., Abdurahmonova N. O‘zbek tilidan universal qo‘llanma. (Qayta ishlangan 3-nashri). -Toshkent: Akademi nashr, 2014. – В. 117–119.

илмий асослашда ҳамда сўзлардаги қўшимчаларни (морфемаларни) батафсил шарҳлаб берилишини таъминлади. Ўзбек тилидаги дастлабки категория, деб тан олинувчи ёки бугунги тилшунослик учун замин бўлган катта ва кичик категориялар асосли тарзда ўрганилган, ривожлантирилган.

3. Европа ва рус тилшунослари дастлаб сўз туркуми маъносини белгилашда турли хил қарашларни билдирган. Лекин айтиш керакки, туркий тиллар тилшунослиги араб тилшунослиги таъсирида М.Кошғарий томонидан яратилган «Девону луғотит турк» асарида келтирилган. Унинг катта қисми «Сўз ясалиши» ва «Морфология»га бағишланганлиги маълум.

4. XX асрнинг 1940–50-йилларида йирик тилшунослар: А.Ғуломов, В.Решетов, М.Асқарова, Ф.Камол, Ғ.Абдурахмонов, Ф.Абдуллаев, С.Усмонов, Ш.Шоабдурахмонов, Ш.Раҳматуллаев каби таниқли тилшунослар ва улар қаторида академик А.Н.Кононовдек йирик олим фаолият кўрсатган. Шунингдек, О.Усмонов, З.Маъруфов, Р.Жуманиёзов, Х.Комилова, М.Мирзаев, О.Орипов, А.Сулаймонов, А.Маъруфов, С.Фердаус, Т.Ибрагимов, С.Иброҳимов, С.Фузаилов, Ф.Убаева, О.Мадраҳимов, Н.Маматов, И.Расулов каби яна ўнлаб тилшунослар ўз илмий фаолиятларида ўзбек илмий морфологиясида грамматик категориялар талқинига доир фикрларни долзарб масала сифатида талқин қилганлар.

5. А.Абдуазизов, Л.Абдуллаева, Ҳ.Абдурахмонов, Р.Қўнғуров, И.Қўчқортоев, А.Маҳмудов, И.Расулов, Ш.Раҳматуллаев, А.Сафоев, Б.Ўринбоев, М.Миртожиев каби ўрта авлод вакиллари билан бир қаторда, истиклол арафасида фундаментал тадқиқотларини химоя қилган Н.Маҳмудов, Э.Бегматов, Ф.Убаева, М.П.Агламова, А.Бердалиев, М.Мукаррамов, А.Нурмонов, Ё.Тожиев, С.Каримов каби кейинги авлод вакиллари сизмалари илмий тадқиқотлари ҳамда ўша даврда фан номзоди илмий даражасида фаолият кўрсатган Р.Сайфуллаева, М.Жўрабоева, Т.Мирзакулов каби яна ўнлаб тилшуносларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилининг энг мураккаб ва долзарб муаммоларига бағишланган тадқиқотлари 40-80-йиллар ўзбек тилшунослиги тараққиётини тўла шакллантиришга хизмат қилди.

6. XX асрнинг 60–70 йилларида яратилган дарслик, қўлланма ва илмий нашрлар ўзбек илмий морфологиясининг тўлиқ шаклланган даври бўлиб, бундан кейин фандаги ҳар бир бўлимга алоҳида эътибор берилди бошланди. Жумладан, сўз ясалиши алоҳида бўлим сифатида берилди бошлади.

7. Ўзбек тилшунослигида, бошқа тилшуносликлардан фарқли ўларок, профессор А.Ғуломов томонидан фонетик сўз ясалиши мавжудлиги, бу барча туркий тилларга, жумладан, ўзбек тилига ҳам тааллуқли эканлиги асослаб берилган.

8. XX асрнинг бошларига келиб ўзбек илмий тилшунослигини ташкил этган ҳар бир бўлимнинг моҳияти чуқур ўрганила бошланди. Бунда чиқарилган хулосаларга қараб тилдаги бўлимлар, сўз туркумлари, туркум ичидаги категорияларнинг ўрганилиши, турли тарафдан ёндашилишига қараб ўз ўрнида қолиши ёки ўзгариши ёритиб берилди бошлади.

9. Сўз ясалиши ҳодисаси жаҳон, рус ва туркий тиллардаги сўз ясалиш ҳодисалари билан қиёслаб таҳлил этиш орқали ўрганилган ва баъзи боғлиқ жараёнлар ўзбек тилшунослигида ҳам мавжуд эканлиги асослаб берилган ҳамда сўз ясалишининг усуллари олимларимиз томонидан илмий асосланиб гуруҳларга бўлинди. Сўз ясалишининг моҳиятини англашда сўзнинг таркибий қисмларини фонетик, семантик, морфологик элементларга бўлиб ўрганиш ҳамда морфемалар бажараётган вазифа муҳим рол ўйнаши асосий белги қилиб олинади.

10. Тил белгиси бўлган сўз – мустақил бирлик эканлиги тўла эътироф этилиб, тилнинг морфологик системасида морфеманинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги асосланди.

11. Ўзбек тилига систем-структур ёндашувда грамматик маъно турлари умумий грамматик маъно, оралик грамматик маъно, хусусий грамматик маъно, ҳамроҳ маъно ва ёндаш маъно каби ҳодисаларни тилшуносликнинг қирралари сифатида асослаб беришга ҳаракат бошланди. Айниқса, сўз туркумларини белгилашда семантик, морфологик ва синтактик белгилар асосий вазифа бажариши оммалашди: семантик – мустақил луғавий маъноли сўз, номустақил луғавий маъноли сўз ва луғавий маъносиз сўз; морфологик – ўзгарувчан лексема ва ўзгармас лексема; синтактик – нутқда бошқа лексемалар билан боғлана олиш-олмаслиги, гап бўлаги бўлиб кела олиш-олмаслиги каби масалаларга ойдинлик киритилди.

12. Структур босқичда лисон ва нутқ масаласига, ўзбек тилшунослигида алоҳида эътибор қаратилиб, лисоний ва нутқий бирликларни белгилаш ва бир-биридан фарқлашда лисоний бирлик лисонга мансуб, унинг нутққа алоқаси воқеланишида эканлиги ойдинлаштирилди.

13. Ўзбек тилшунослигида грамматик категория тушунчасига диалектик ёндашув оммалашди. Грамматик категория ва грамматик шакл диалектика категориялари, тасаввуф фалсафаси ҳамда ўзбек тилининг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда баҳолана бошлади. Грамматик категориялар гап бўлақларига ва сўз туркумларига хос турларга ажратилди. Ўзбек тилида отларда қарашлилиқ-тегишлилик ва ҳаракат тарзи категорияларининг мавжудлиги тан олинди ва илмий асослаб берилди.

14. Ҳар бир грамматик маъно, грамматик шакл ва грамматик категориянинг ўзига хос асосий белгилари ва фарқловчи хусусиятлари илмий тарзда асослаб берилди. Ўзбек тилида грамматик категориянинг ўн тури мавжудлиги айтилиб, барчасининг лисоний ҳодиса бўлганлиги сабабли, турли томондан тасниф қилиниши, яъни категория шаклларининг маъновий таркибига кўра, морфологик категориянинг сўз туркуми ёки гап бўлақларига хослигига кўра ва морфологик категория синтактик қобилятининг йўналишига кўра тарзида таҳлил қилиниши эътироф этилди.

15. Сўз ясалиши нутқий жараён эканлиги, ясама сўзлар лисонийлашиб лексемага айланиши ёки нутқ сатҳида қолиши мумкинлиги ойдинлашди. Сўз ясалиши ҳодисаси деривация ҳодисаси таркибида қаралиши муҳим илмий натижаларга олиб келди.

16. Тилнинг амалий қўлланиши билан боғлиқ кўплаб ишларни, яъни ҳужжатларни тайёрлаш, матнлар таҳрири, луғат ва қомуслар тузиш ёки уларга муносабат билдириш ҳамда бошқа жиҳатларни компьютер орқали бажариш ўзбек замонавий морфологиясининг янги амалий босқичини бошлаб беради. Шундан сўнг ўзбек тилшунослигида янги амалий босқичга ўтиш, яъни амалий филологик фаолиятни йўлга қўйиш учун амалий филология бакалаври ва амалий филология магистри мутахассисларини тайёрлаш заруриятини келтириб чиқариши айтиб ўтилди.

17. Компьютер лингвистикаси олдида турган асосий вазифалар, яъни компьютерга овоз орқали киритиш, ўзбек тилига ўқитадиган ва билимларни баҳолайдиган дастур яратиш, чизилган сурат, математик формуладаги хатолик, матнда йўл қўйилган орфографик, услубий ҳамда бошқа хатоликларни аниқловчи дастурини мукамал тарзда яратиш зарурат эканлиги асосланди.

18. Тил корпусини яратиш бугунги кунда ҳар куни назоратда турадиган вазифа бўлиши зарур. Чунки тилнинг белгиланган даврдаги, хилма-хил жанр, ранг-баранг услуб, ҳудудий ҳолда ижтимоий вариантдаги матнларни ва бошқа тил сатҳлари билан боғлиқ муаммоларни ечиш учун энг қулай ва замон талабига мос дастур сифатида амалиётга татбиқ этилиши зарур.

19. Қандай ёндашилишидан қатъи назар бугунги кун талаби асосида, илмий тадқиқотчига мос, вақтни бесамар ўтказмаслигини ҳисобга олиб, автоматлаштирилган тизимга солинган, яъни мофологик анализаторни яратиш энг долзарб вазифа ва бу ўзбек илмий тилшунослигининг жаҳондаги тилшуносликлар қаторида туришини, албатта, таъминлаб беради.

**РАЗОВЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
PhD.03/27.02.2020.Fil.91.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ГУЛИСТАНСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ГУЛИСТАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ШАРИПОВ ФАЗЛИДДИН ГАЛИЕВИЧ

**СТАНОВЛЕНИЕ, ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ
УЗБЕКСКОЙ СОВРЕМЕННОЙ МОРФОЛОГИЧЕСКОЙ ТЕОРИИ**

10.00.01 – Узбекский язык

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Гулистан – 2022

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.1.DSc/Fil151.

Диссертация выполнена в Гулистанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.guldu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный консультант:

Гожиев Ёрмат

доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Менглиев Бахтиёр Ражабович

доктор филологических наук, профессор

Искандарова Шарифа Мадалиевна

доктор филологических наук, профессор

Ўразбоев Абдулла Дурдибаевич

доктор филологических наук

Ведущая организация:

Самаркандский государственный университет


Защита диссертации состоится «31.03» 2022 года в «14⁰⁰» часов на собрании Разового Научного совета PhD.03/27.02.2020.Fil.91.02 по присуждению научных степеней при Гулистанском государственном университете, (Адрес: 120100, г.Гулистан, 4-микрорайон, Тел.: (67) 225-42-75; факс: (67) 225-40-42; e-mail: glsu_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Гулистанского государственного университета (зарегистрирована под номером 6). (Адрес: 120100, г.Гулистан, 4-микрорайон, Тел.: (67) 225-42-75)


Автореферат диссертации разослан «19» 03 2022 года

(Протокол реестра № 6 от «19» 03 2022 года)




Н.Рахманов
Зам. председатель Научного совета по
присуждению научных степеней,
д.ф.н., профессор

М.Р.Маматкулов
Секретарь Научного совета по
присуждению научных степеней,
к.ф.н., доцент


А.Э.Маматов
Зам. председателя научного Семинара
при Научном совете по присуждению
научных степеней, д.ф.н. профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мировом языкознании быстро развиваются разделы языкознания, занимающиеся проблемами эффективности практического использования языковых возможностей. Область прикладной морфологии, которая сформировалась в начале нашего века и сейчас находится на стадии бурного развития, является ярким доказательством этого. Типологические особенности языка в большей мере проявляются в его морфологических возможностях и особенностях. Это делает создание электронных баз морфологических форм словарей современных агглютинативных языков все более выраженным в контексте его охвата и формирует основу для создания языка искусственного интеллекта. Объем и масштабы морфологических электронных баз данных, созданных на основе морфологических словарей развитых языков, хорошо видны в процессе запуска этих моделей. В целом, морфологические базы занимают значительное место среди исследований прикладной лингвистики XXI века. Дальнейшая активизация работ в этой области, придание им тона прогресса, целенаправленное продолжение будут определять формирование, тенденции и перспективы развития современной узбекской морфологической теории.

В мировом языкознании в XXI веке проводится ряд значительных теоретических исследований по всем аспектам языка, в том числе по изучению морфологии. В частности, формирование морфологических теорий, переход от традиционных фактических подходов к структурным исследованиям в морфологических исследованиях, различие между языком и речью в теоретической морфологии, открытие морфологических языковых систем и отношений, последовательное выделение инвариантных и вариантных значений и особая роль в формировании морфологических основ, соотношение в различных лингвистических направлениях интерпретации общего грамматического значения и частного грамматического значения, речевая реализация имманентных морфологических возможностей языка и обозначение в нем устойчивого (статического) неустойчивого (динамического) положений, что является надежной основой для формирования морфологической базы их практического применения.

Важнейшим достижением узбекского языкознания первой четверти XXI века является создание словаря морфологических форм. Конечно, только в результате создания словаря морфологических форм по всем группам слов, диалектным вариантам слов, стилистическим формам возможно моделирование узбекского языка для искусственного интеллекта. Он состоит из нескольких этапов, первоначально выявляющих морфологические закономерности, на основании которых выделяются общие и частные стороны в морфологии. Словарь морфологических форм формируется на основе дихотомии языка и речи. Это, в свою очередь, открывает путь к появлению морфологических анализаторов. Таким образом, к концу XX и

началу веков, как это было в конце XIX и начале XX веков, наряду со всеми направлениями в языкознании были сделаны новые шаги, появился новый подход, новые направления современной лингвистики, основанные на морфологии. Потому что новый подход к объектам лингвистики требует последовательно идти в предметном направлении. Исходя из основного принципа этого анализа, необходимо трактовать языковые единицы как общность, сущность, возможность, причину (ОСВП) и речевые единицы, образовавшиеся в результате их возникновения, как отдельные (индивидуальные), событие, реальность, следствие (ОСРС). Необходимость создания морфологического анализатора узбекского языка, который становится все более насущной потребностью в социальной сфере и информационно-коммуникационной системе, обобщает теоретические и практические достижения морфологического учения узбекского языка, классифицирует и формирует теоретическую лингвистическую базу для морфологического анализатора.

Данное исследование в определенной мере служит реализации задач, предусмотренных в указах Президента Республики Узбекистан № УП-4997 «Об образовании Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои» от 13 мая 2016 года, № УП-5850 «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка» от 21 октября 2019 года, № УП-6084 «О мерах по дальнейшему развитию узбекского языка и совершенствованию языковой политики в стране» от 20 октября 2020 года, постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научных исследований» от 17 февраля 2017 года, № ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, № ПП-3775 «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах» от 5 июня 2018 года, № ПП-4479 «О широком праздновании тридцатилетия принятия закона республики узбекистан «о государственном языке» от 4 октября 2019 года и других нормативно-правовых документах, касающихся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики: I. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации по социальному, правовому, экономическому, культурному, духовно-просветительскому развитию информационного общества и демократического государства».

Обзор зарубежных исследований по теме диссертации.¹ Научные

